

1930 йил  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



# Посида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 63—64 (2704—2705)  
1994 йил, 19 август

Тошкент шаҳрида  
сотувда баҳоси  
1 сўм

## ЎСМИР ЙЎЛДАН ЧАЛҒИМАСИН

Шу кунларда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими, унинг жойлардаги бўлиналари шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда савдо-сотиқ ишлари билан банд бўлаётган ўсмирларга нисбатан кўрилатган чора-тадбирларни анча жонлантирдилар.

Ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, уларга турли хил касб-хунарлар ўргатишга катта эътибор бериллаётгани диққатга сазовордир. Келажак авлоднинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари учун биз ҳам сезиларли даражада ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Қўлланлаётган барча чора-тадбирлар ёшларимизнинг биринчи навбатда билим олишлари, ахлоқ-одобли бўлишларига, уларни номзқул йўлдан сақлаб қолишга қаратилган.

Яқинда ўтказилган "Бозор" деб номланган тадбирларимизга туманлардаги халқ таълими бўлимларининг ходимлари, солиқ инспекцияси ва вояга етмаганлар билан иш олиб боровчи милиция инспекторларини жалб этдик. Жойларда махсус гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг ишига мутасадди кишилардан ташқари кенг жамоатчилик иштироки ҳам таъминланди. Бир неча кун давомида пойтахтимиздаги деҳқон бозорларида, тижорат дўконларида, савдо расталарида, кўча-кўйларда савдо билан банд бўлган ўсмирлар аниқланиб, тегишли профилактик ишлар олиб борилди.

Ушбу тадбир давомида рухсати бўлмаган туриб, савдо-сотиқ билан шуғулланаётган 437 нафар ўсмир аниқланди, улардан 38 нафарининг ота-оналарига нисбатан чора кўрилди. Шуниси ачинарлики, назорат остига олинган ёшларнинг аксарияти ҳеч қерда ишламай, ўқимай юрган мактаб ёшидаги болалардир. Уларни ишга жойлаштириш, керак бўлса, мактабга қайтариш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўтказилган тадбир, шунингдек

маҳалла кўмиталари, мактаблар, хунар-техника билим юртларида уюштирилган суҳбатлар ўз самарасини берди. Ҳозирги кунда бозорларда савдо-сотиқ билан ноқонуний равишда шуғулланаётган ўсмирлар деярли учрамаётгани фикримизнинг далилидир.

Урни келганда шунини ҳам айтиб ўтиш зарурки, келгусида ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг баъзи бирларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Масалан, 1981 йили туғилган, пойтахтимизнинг 1-мактаб ўқувчиси Абдунаби Зиёхонов яхна ичимлик сотгани учун онаси М. Зиёхоновага маъмурий комиссия томонидан 25 минг сўм-кўпонлик жарима солинди. Рейд чоғида 1980 йилда туғилган, 302-ўрта мактаб ўқувчиси Азиз Абдурахмонов милиция хонасига маст ҳолда келтирилди. Гиёҳвандликка ружу қўйган ўспирин Нодир Илҳомов эса милиция ҳисобига қўйилиб, назорат остига олинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Туманлардаги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияларига 357 нафар ота-она ва ўсмирлар хулқини муҳокама қилиш, ҳамда уларга нисбатан маъмурий чора кўриш учун ҳужжатлар юборилди. Ходимларимиз томонидан бешта жиноят очилди.

Ўтказилган рейддан кўзда тутилган мақсадга эришилгани деган савол туғилиши табиий. Албатта, бу тадбир ҳали ёшлар билан ишлашни яхши йўлга қўйилмагани, маҳалла кўмиталари, оқсоқоллар, милиция участка вакиллари ва ота-оналар ўртасида ҳамкорлик етарли даражада эмаслигини яққол кўрсатди. Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолларини камайтириш, уларни келажак учун етук инсон қилиб етиштириш борасида олиб борилаётган ишларимиз давом этмоқда.

**Насима САМАТОВА,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
Жиноятчиликнинг олдини олиш  
бошқармаси бўлим бошлигининг  
ўринбосари, милиция  
подполковниги.

**ҚИРҒИЗИСТОННИНГ** Ўш вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан, милиция ходимлари жиноятчиларга кескин зарба бериш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Яшириб нима қиламиз, бугунги кунда жиноятчилик тури жиҳатидан ҳам, кўлами жиҳатидан ҳам ўсиб бормоқда. Айниқса, фуқаролар мулкига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб кетди. Бу ички ишлар ходимларидан катта масъулият, сергаклик ва жиноятчиларга нисбатан ўта шафқатсиз бўлишни талаб қилади. Жиноятчи чегара билмайди. Шунинг учун биз милиция ходимлари бирлашиб ишлашимиз лозим.

Вилотимиз халқи кўп миллатли, улар водийнинг чегарадош вилоятлари халқи билан қадимдан кўча-анда, қариндош-уруғ бўлиб, туташиб кетган. Ўзаро дўстона алоқаларни янада мустақамлаш мақсадида қўшни республикалар, вилоятлар раҳбарлари кўп ишлар қилаётдилар. Ҳозир Фарғона,

## БИРЛАШГАН ЎЗАР

Андижон, Наманган, Жалолобод ва Ўш вилоятлари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ҳамкорликда иш юритмоқдалар.

Баҳорда кўчки оқибатида Ўзган туманидаги бир неча кишлоқ тупроқ остида қолиб кетди. Табиий офатдан зарар кўрганларга биринчилар қатори ўзбекистонликлар — Фарғона водийси одамлари ёрдамга келишди. Хуллас, яхши-ёмон кунларимизни тенг баҳам кўриб яшаймиз.

Бироқ, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, яхши одамлар қаторида тез-тез "гастрол"га келиб кетувчи ёки бориб келувчи жиноятчилар водийнинг бошқа вилоятларида жиноят содир этишмоқда. Ўзаро тил бириктириб олган жиноятчилар бир кун у етда, бир кун бу етда ёвуз ниятларини амалга оширмоқдалар. Очиги, бундай

жиноятчиларни қўлга олиш ва фож қилиш кийин кечмоқда. Шу сабабдан ҳам жиноятчиликка қарши курашувчи кучларни бирлаштириш, ёвуз ниятли кишиларнинг "фаолияти"га чек қўйиш учун Фарғона водийси вилоятлари ички ишлар бошқармалари ўртасида бир қатор битимлар имзоланди. Бундан мақсад Фарғона, Андижон, Наманган, Жалолобод, Ўш вилоятларида жиноятчилик йўлига ишончли тўсиқ қўйишдир.

Ҳозирги кунда ички ишлар бошқармаларимиз тузилган битимлар асосида иш олиб бормоқдалар.

**Р. ТОҶИБОВ,**  
Ўш вилояти ИИБ бошлигининг  
ўринбосари, милиция полковниги.

## Миннатдорчилик мактуби ОЛИМЖОНЛАР БОР БЎЛСИН

МЕН ўн беш йилдан буён Манас номли ширкатлар бирлашмаси худудинда истиқомат қиламан. Касбим ўқитувчи.

Ўтган йили бизнинг ҳўжаликка участка вакили бўлиб келган аҳолийб инсон Олимжон Бобоев ҳақида икки оғиз ўз фикрларимни баён қилишни лозим топдим. Аввало, ишнинг кўзини биладиган шундай ходимин бизнинг ҳўжаликка юборган Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарларига катта раҳмат.

Олимжон бизга ишга келгунга қадар ҳўжалигимизда жиний ҳатти-ҳаракатлар жуда кўпайиб бораётганди. Ўғирлик, безорилик тез-тез содир бўлиб турар, суяқоёқлар санқиб қолишган эди. Мана, бир йилдирки, бизнинг "кўчада ҳам байрам" бўлиб, жиноятчилик кўринишлари кескин камайиб бормоқда. Бунда, албатта, Олимжон Бобоевнинг бевосита хизматлари катта. У бизга хизматга келган кунидан бошлаб, қонунбузарларга нисбатан мурасасиз иш олиб бордики, натижаси юқорида айтганимиздек тез кўрина қолди.

Олимжон ўз касбига сидқидилдан ёндошадиган осийишталлик посбонларидан ҳисобланади. Шундай йиғиларимиз орамизда кўпаяверсин.

Баҳоргул СОДИҚОВА.

## ШАҲАРЛАР ПОКЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. Каримов жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган шакллари қарши курашнинг қоникарсиз аҳволдалиги хусусида таъшишланиб сўзлаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ИИБ аввал Тошкентда, сўнгра эса ўн кун давомида Фарғона, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманганда "Тозалаш" деб ном олган тадбирни ўтказди.

Бу тадбирдан кузатилган мақсад: кўчалар ва жамоат жойларида жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турадиган шахслар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш, қонунга хилоф тарзда сакланаётган қуролларни мусодара қилиш, гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланиши ва валюта операциялари тўғрисидаги қондаларни бузишларга қарши кураш бўлди.

Тадбирни ўтказишга Фарғона, Наманган, Андижон вилоят ҳокимликлари ИИБ ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ходимларининг катта қисми жалб этилди.

Тошкентда ўтказилган тадбирда ижобий натижаларга эришилди, бу ҳақда матбуотда хабар берилди. Фарғона водийсида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди ва ўз олдига қўйилган мақсадларга эришди. Жумладан, Фарғонада анчадан бери хонадонларга ўғирликка тушиш ва рўкет билан шуғулланиб келган 3 та жиний гуруҳ қўлга олинди. Бу ерда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи 62 шахс, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган экинлар экилишининг 25 факти ҳам аниқланди. Тадбирни ўтказиш пайтида вилоятда 11 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси мусодара қилинди, ноқонуний валюта операциялари билан шуғулланувчи 45 киши аниқланди.

Тадбир амалга оширилган бир неча кун давомида Наманганда 26 жиноят очилди, қидирувда бўлган 5 жиноятчи ушланди.

Очилган жиноятлар орасида давлат мулки ва фуқароларнинг мол-мулкини ўғирлашлар, тан жароҳати етказишлар бор.

Бутун тадбир давомида Наманганда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун 2306 киши жавобгарликка тортилди. Ов

қурулини сақлаш ва ундан фойдаланиш қондаларини қўпол равишда бузган фуқаролардан турли русумларга мансуб 22 милтик мусодара қилинди.

Андижонда ўтказилган тадбир давомида милиция ходимлари томонидан 46 жиноят очилди, майда безориликка доир 158 фактнинг олди олинди, спиртли ичимликлар хусусидаги қонуларни бузганлиги учун 478 фуқаро маъмурий тартибда жазоланди.

Ўтган йилнинг шундай даври билан қиёслаганда шаҳарда жиноят-қидирув хизматига тааллуқли жиноятлар миқдори 15 фоизга камайди.

Келтирилган рақамлар ортида тадбир қатнашчиларининг улкан, оғир ва фидокорона меҳнати мавжуд.

Фарғонада бир неча жиний гуруҳларни фож этишда намуна кўрсатган ходимлар — Фарғона шаҳар ИИБ жиноят-қидирув тезкор вакиллари Р. Зайниев ва милиция лейтенанти Б. Абдуллаевни тилга олмасдан бўлмади. Тадбирни ўтказишда шаҳар ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция катта лейтенанти У. Мадрохимов, участка вакили, милиция капитани М. Охунов, катта участка вакили, хизмат кўрсатган милиция участка вакили М. Ахметовлар фаол қатнашдилар.

Наманган вилоят ҳокимлиги ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги У. Мирзаабдуллаев, шаҳар ИИБ участка вакиллари: милиция катта лейтенанти К. Мамадалиев, кичик лейтенант А. Каримов, Совет тумани ИИБ катта тезкор вакили, милиция капитани К. Мирзаевлар тадбирни ўтказиш чоғида юксак касбий маҳорат соҳиби эканликларини намойиш этдилар.

Андижон шаҳар ИИБ ходимлари — милиция катта участка вакили, милиция майори Р. Солиев, жиноят-қидирув катта тезкор вакили К. Каримов, пост-патруль хизмати милиционер, катта сержант С. Маткаримовлар катта самарадорлик келтириб ишладилар.

**Б. ПАРПИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Жиноятчиликнинг олдини олиш  
бошқармаси бошлиғи, милиция  
полковниги.

## СУРАТЛИ АХБОРОТ



Суратда: қўриқлаш бўлимаси бошлиғи, милиция катта лейтенанти Ў. Эрдонаев (чапда) язов сардори, милиция лейтенанти З. Раҳимов ва бўлима бошлигининг ўринбосари, милиция майори Б. Бўтаевларга йўл-йўриқ кўрсатмоқда.

Муаллиф олган сурат

Х. ШОДИЕВ.

Қашқадарё вилоятининг Ғузур тумани ИИБ қўшидаги қўриқлаш бўлимаси пультага қўриқланаётган объектларга ёмон ниятли кишиларнинг кириб олиши билан боғлиқ у еки бу ҳодиса ҳақида хабар берадиган ташвишли сигналлар тез-тез келиб туради.

Бундай хабар олинishi билан навбатчи наряд МҚП оператори кўрсатган манзилга тезда йўл олади. Ҳодисанинг қандай яқунланиши эса милиция ходимларининг малакаси ва иш-билармонлигига боғлиқ.

Ушбу бўлимага тажрибали ходим, собитқадам, чарчаш нималагини билмайдиган, гоятда мураккаб вазиятларда ҳам довридаб қолмайдиган киши — милиция катта лейтенанти Ўтаган Эрдонаев бошчилик қилмоқда.

Унинг қўл остида ишлайдиган 130 ходим ўз ишини яхши билади, талаб қилинганда доим ердამга келишга тайёр туради.

Газетамизнинг охириги сонларидан бирида Ўзбекистон Республикаси нақлиётидаги ички ишлар идоралари ва бўлинмалари томонидан ўтказилган "Юк-94" комплекс тадбирининг бориши ва якунилари тўғрисида муштарийларга ҳикоя қилиб беришни ваъда қилган эдик. Эътиборингизга муҳбиримиз ушбу тадбирни ўтказиш бўйича штабдан олган баъзи маълумотларни ҳавола қиламиз.

Товар тақчиллиги кучайган ва ҳўжалик алоқалари ўзилган шароитда нақлиётдаги ўғирликлар, талон-торожлар очикдан-очик жиноий тусдаги "даромад келтирувчи тадбиркорлик"нинг бир соҳасига айланиб қолган эди.

Ўғирларнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча уюшган тусда бўлиб, гуруҳнинг қатнашчилари нима билан шуғулланиши олдиндан омилкорлик билан тақсимлаб қўйилади, техник воситалар, қўрол ва автомашиналардан кенг

талон-торож қилинганлик белгилари бўлган вагон ва контейнерларни қаттиқ назорат қилиш ва текширишни ташкил этиш, тезкор ахборот тўплаш орқали давлат мулкни ўғирлаётган шахслар ва жиноий гуруҳларни фош қилиш кўзланди.

Мўлжалланган режаларни амалга ошириш учун бошқарма барча хизматларининг ходимлари ва темир йўл ички ишлар бўлинмаларининг шахсий таркиби сафарбар қилинди. НИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари раҳбарлигидаги тезкор штаб

тарзда 108 вагон, 29 контейнер, ёнилғи ва мойлаш материаллари солинган 25 цистерна текширилди. Натижада 27269 сўм миқдорида юк етишмаслиги аниқланди. Шулардан 12 факт бўйича жиноий иш қўзғатилганидан сўнг улар ҳудудий тергов идораларига топширилади, 12 жиноий иш очилди ва иккитаси ҳозирча текширувда (Қарши бекатида 1759 сўмлик бензин ва Ховос бекатида 5581 сўмлик гилам ўғирланган). Тадбир давомида жами юк ва давлат мулкни ўғирланишининг 26 факти (19670 сўм миқдорида) очилди ва уларни содир этган 31 киши ушланди. Бундай фактлар Қўқон, Қарши, Бухоро, Самарқанд, Тошкент-Шимолий, Термиз, Андижон бекатларида рўйхатга олинди.

Чунончи, Термиз бекатида

Охунбобоев бекатида 4-5 августда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги техник жиҳатдан носоз 17 цистерна аниқланди, уларга ёнилғи солиб қўйилган эди.

Кўрсатилган камчиликлар ёнилғи-мойлаш материалларининг темир йўл нақлиёти орқали ташишда нобуд бўлишларига сабаб бўлади, шунингдек ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли техник жиҳатдан носоз цистерналарнинг ҳаммасидан бундан кейин фойдаланиш давлат ёнғин назорати томонидан тақиқланди.

Бухоро, Қарши, Термиз, Урганч, Қўнғирот, Хўжайли бекатларига келиб тушадиган ёнилғи-мойлаш материаллари солинган цистерналар Мароканд бекати орқали ўтади, бу ерда тижорат текширув пункти жойлашган. Бу ерда цистерналарда нуқсонлар топилган тақдирда уларга пломба қўйилади, умумий шаклдаги актлар тузилади ва ўлчовлар ўтказилмасдан цистерналар муайян бекатларга юборилади, у ерда комиссия текширув ўтказилиб, қанча нефть маҳсулоти етишмаслиги аниқланади. Ўғирлик ёки талон-торож содир этилган жойни аниқ белгилаш жуда қийин. Шунинг учун Мароканд бекатида тижорат нуқсони аниқланиши билан албатта юкни тортиб кўриш ёки ўлчаш зарур ва мақсадга мувофиқдир, бу иш умумий шаклдаги актларда акс этиши, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларининг салмоғи кўрсатилиши лозим.

Умуман олганда ёнилғи-мойлаш материаллари ортилган составларни ташиш ва юкни тушириш билан боғлиқ технологик жараёнга риоя қилишга доир иш-ни йўлга қўйиш билан биргаликда бензинни ўғирлаш ва талон-торож қилувчиларни фош қилишга доир ўтказилган тадбирлар темир йўлда юк ташиш соҳасидаги тезкор вазиятни барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатди.

"Юк-94" тадбирини ўтказиш вақтида эришилган натижаларнинг таҳлили бир қатор умумлаштирувчи хулосалар чиқариш, темир йўл нақлиётида ташиш вақтида нефть маҳсулотларининг бут бўлишига имкон берувчи бир неча муфассал таклифлар киритиш имконини берди.

Чунончи, Охунбобоев ва Олтиариқ бекатларида бензин солиш учун техник жиҳатдан носоз цистерналардан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик, ёнилғи-



Самарқанд бекатида темир йўл ИИБ ходимлари томонидан ушланган Олег И.нинг ёнидан 70 граммга яқин наша чиқди. Нашанинг миқдори умуман олганда кўп эмас, лекин унинг хатти-ҳаракатларига жиддий ҳукукий баҳо бериш учун кифоя қилади — Жиноят мажмуасига биноан у гиёҳвандлик моддаларини сақлаганлик учун жавоб беради. Бунинг устига Олег И.нинг уйи тинтилганда четга олиб кетиш учун мўлжалланганлиги кўриниб турган саккизта гилам ҳам топилди.

СУРАТДА: Олег И. кўргазма бермокда.

мойлаш материаллари солинган составларни албатта ҳарбийлашган қўриқлаш идораси ўқчилари кузатиб боришини таъминлаш, составлар тўхтаб турадиган жойларда уларни ҳарбийлашган қўриқлаш идораси ва милиция кучлари билан қўриқлашни йўлга қўйиш зарур. Мароканд ва Ховос оралиқ бекатларида тижорат ва техник нуқсонлари бўлган цистерналар келиб тушганда албатта нефть маҳсулотларини комиссия тарзда ўлчаш, уларнинг кўрсатишларини умумий шаклдаги актларда акс эттириш керак. Ёнилғи-мойлаш материаллари қўйиладиган Охунбобоев, Олтиариқ ва Пахта бекатларида цистерналарда юк вази тўғри белгиланганини, пломба ва бурагичлар мавжудлигини огоҳлантиришсиз текшириш даркор. Ёнилғи-мойлаш материаллари солинган составларнинг Жизза бекатидан ҳарбийлашган қўриқлаш ўқчилари ҳамроҳлигисиз жўнатилиш ҳолларига йўл қўймаслик керак.

"Юк-94" тадбири якунланди, лекин Республика ИИБ нақлиёт ички ишлар идоралари ва бўлинмалари ходимларининг ташиладиган юклар бут бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти давом этмокда.

А. ВОРГУДЯЕВ.

## "ЮК-94" ЖИНОЯТЧИЛАР ЙЎЛИГА ТЎСИҚ ҚЎЙДИ

миқёсда фойдаланилади. Жиноятчилар ўғирланган нарсаларни "сув қилиш" йўллари излаб, унинг барқарор манбаларини топадилар, юк ташилишининг ўзига хос томонларидан хабардор бўладилар, нақлиёт ходимлари ва экспедиторлик ташкилотлари билан алоқалар ўрнатадилар.

Темир йўл нақлиётида юкларни ташиш чоғида уларнинг бут бўлишини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Нақлиёт ички ишлар бошқармаси (НИИБ) хизмат кўрсатадиган участкадаги тезкор вазиятни барқарорлаштириш мақсадида 1994 йилнинг июль-августда "Юк-94" деб номланган комплекс тадбир ўтказилди. Тадбирдан қандай мақсадлар кўзда тутилган эди?

Бунда аввало ташиладиган юкларнинг бутлигини таъминлашга доир вазиятни барқарорлаштириш, республика ҳудудига келиб тушаётган пайтида

тадбирнинг боришини куну тун назорат қилиб борди ва бўлинмаларга амалий ёрдам кўрсатди. Бунда темир йўл ходимлари билан ўзаро тигиз ҳамкорликда иш олиб борилди.

Тадбир давомида юкларнинг бутлигини кузатиб бориш таъминланди. Поездларни кузатиб боришда ҳарбийлашган қўриқлаш ходимлари ҳам, милиция ходимлари ҳам иштирок этдилар. НИИБ участкасига нуқсонлари бўлган 140 вагон ва 43 контейнер келиб тушди, жумладан 77 вагон ва 16 контейнерларда пломба ҳамда бурагич йўқ эди, 7 вагон ва 1 контейнер турғи хил даражада зарарланган эди. Ана шу нуқсонларнинг ҳаммасига умумий шаклда 171 акт тузилди. Бундан ташқари, 82 вагон ва 3 контейнерга доир бошқа жойларда тузилган умумий шаклдаги актлар олинди.

Милиция ходимлари иш-тирокида 160 дан ортиқ комиссия юк туширишлар ўтказилди. Шу

темир йўл ИИБ ходимлари томонидан Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида яшовчи Ботир З. ушланди, у вагондан 1200 сўмлик икки ўрам хомсурни ўғирлаган эди.

Қўқон бекатида темир йўл ИИБ ходимлари томонидан фарғоналик уч киши цистернадан 800 литр А-76 бензинини ўғирлашда гумон билан ушланди.

Тадбирни ўтказиш пайтида Самарқанд бекатида темир йўл ходимлари илгари содир этилган жиноятларни очдилар. Каттакўрғон бекатида 1993 йил декабрида вагондан 13 палос ва 1994 йил мартда саккиз қути (240 килограмм) ҳинд чойи ўғирланганлиги факти бўйича илгари судланган, Самарқанд вилояти фуқароси Ҳамид Б. ушланди. Унинг шерикларини аниқлаш бўйича тезкор қидирув тадбирлари амалга оширилмокда.

Майда ўғирликлар содир этган 85 киши ушланди. Юк ўғирлаш фактлари бўйича 12 жиноий иш қўзғатилди.

Темир йўл нақлиётида ташиладиган ёнилғи-мойлаш материалларининг бутлигини таъминлаш иши НИИБнинг алоҳида назорати остида бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Афсуски, Ўрта Осиё темир йўли ва Республика ИИБ НИИБнинг биргаликдаги фармоиши талаблари бузилмокда, ёнилғи-мойлаш материаллари ортилган составларга доим ҳарбийлашган қўриқлаш ўқчилари ҳамкорлик қилмаяпти.

Чунончи, 5 июлдан 5 августга қадар ўтган давр мобайнида хизмат кўрсатиш участкасидан ана шундай юк ортилган 127 состав ўтди, шулардан 27 тасида ўқчилар йўқ эди, натижада 21 вагонда тижорат нуқсони аниқланди, бунга доир умумий шаклдаги актлар тузилди. Комиссион текширишлар чоғида жами 111 минг сўли 55,5 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари кам чиқди.

Ёнилғи-мойлаш материаллари учун мўлжалланган цистерналарнинг техник ҳолати ғоятда ташвишга солади. Масалан, 2-3 августда Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида техник жиҳатдан носоз 27 цистерна аниқланди.



"Навоизот" ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти жуда харидорғир. Кимёвий ўғитларни ўз вақтида олиш пахтазорлар, бугдойзорлар, сабзавот ва полиз далалари ҳосилининг мўл-кўл бўлишини таъминлайди. Бироқ қимматбаҳо маҳсулотни жиноий йўллар билан ўғирлаб, бойлик орттирувчи кишилар ҳам учраб туради.

Нақлиёт милиция ходимлари ана шу корхонадан кўп миқдорда аммиак селитраси ўғирланганини аниқладилар. Ҳозир тергов бормокда, шунинг учун бу ҳақда муфассал сўзлашга ҳали эрта. Фақат асосий фактларни келтирамиз. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида аниқланишича, "Навоизот" дарвозасидан чиққан, аммиак селитраси солинган икки вагон Гулистондаги ўзи мавжуд бўлмаган ташкилотга юборилган. Ана шу "ташкilot" орқали кимёвий ўғитлар Тожикистонга, йўл олган, ўғитлар Ленинобод вилоятидаги кичик Зафаробод шаҳарчасидан топилди, ҳозир тергов олиб борилмокда.

СУРАТЛАРДА: Зафаробод кимёвий ўғитлар базасидан топилган саксон тонна аммиак селитраси.



Навоий шохбекатида қўрилган тезкор тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган Дмитрий К. ушланди. Унинг юки гаройиб бўлиб чиқди. Бу йигитнинг юклари орасида 40 та портловчи пакет, 16 сигнал ракетаси, 15 электродетонатор бор экан. Унинг айтишича, бу ўқ-дориларни Дмитрий К. Термизда тасодифан харид қилган. Ушбу факт бўйича тергов олиб борилмокда.

СУРАТДА: мусодара қилинган ўқ-дорилар.

ИЖТИМОЙИ жихатдан хавфли иллат — ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатишга қаратилган куч-ҳаракатлар ижобий натижа бераётган меҳнат жамоаларида маънавий иклим соғломлашиб бормоқда. Натижада бу меҳнат жамоаларида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар микдори камаймоқда.

Туманимиздаги қатор ташкилот, корхона ва жамоа ҳўжаликларида бу борада бирмунча ишлар амалга оширилмоқда, жамоатчиликнинг ичкиликбозларга қарши тарбиявий фаолияти яхши самаралар бера бошлади.

— Вазифамиз спиртли ичимлик истеъмол қилган шахсни тутиб олиб жарима солишдан иборат эмас, — дейди туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги С. Убайдуллаев. — Биз асосан ичкиликбозликнинг олдини олишга интиломқдамиз.

Ҳар бир милиция ходими бу хайрли ишни бажариш учун онгли равишда куч-ғайрат сарфламоқда.

Дарҳақиқат, ички ишлар бўлимида қатор фойдали тадбирлар ишлаб чиқилган. Ана шундай тадбирлардан бири — ичкиликбозликка қарши кураш қароргоҳининг ташкил этилганлигидир. Қароргоҳда бўлимнинг 21 нафар еш ходимлари

уюшган бўлиб, улар туман қишлоқлари ва шаҳар ҳудудида ичкиликбозлик билан боғлиқ айрим тартиббузарликларга қарши фаол кураш олиб бормоқдалар.

1994 йилнинг биринчи чорагида жамоат жойларида маст ҳолда юрган 24 нафар киши милиция бўлимига олиб келинди. Шулардан 18 тасига жарима солинди, 2 таси огоҳлантирилиб қўйиб юборилди. Шунингдек, 24 кишининг иш ва яшаш

билмади.

Ашаддий ичкиликка берилган шахсларни нарколог врач билан ҳамкорликда даволаниш учун наркологик шифохоналарга юбормоқдамиз. Ўтган йили шундай шахслардан 18 таси Тошкент ва Чирчиқ шаҳар шифохоналарига юборилди.

1992 йил 9 декабрь кунини ҳукуматимизнинг «Сурункали алкоголизм ёки гнѐхвандликка

лейтенанти У. Мирсоатов, участка вакили, милиция катта лейтенанти Н. Бектўраев, вояга етмаган ешлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи, милиция майори А. Курбоновларнинг бу борада олиб бораётган ишлари кишини қувонтиради.

Осойишталик посбонларининг тинмай изланишлари, жамоат жойларидаги саъй-ҳаракатлари туфайли турмушимиз учун ет бўлган иллатлар: майда безориликлар, ҳуқуқбузарликлар камаймоқда.

Ичкиликбозликка қарши кураш мақсадида тузилган тадбирлар асосида ИИБ ходимлари кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Бўлимнинг масъул ходимлари ҳар чорақда бир маротаба меҳнат жамоаларида бўлиб, спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг оқибатларини атрофлича тушунтиришга йўналтирилмоқда. Бундай суҳбатлар ҳаётини далиллар билан бойитиб борилмоқда ҳамда ҳушёрликни турмуш тарзи сифатида қарор топтиришга йўналтирилмоқда.



Ҳушёр турмуш барқарорлиги учун кураш биргина ИИБ ходимларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, ҳар бир онгли фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини унутмаслигимиз зарур.

**А. АТАЕВ,**  
**Пискент туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.**

## ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ИЛЛАТ

жойларига хабарномалар юборилди. Бироқ бу хабарномаларимизга ҳозирги кунга қадар ижобий жавоб олаётганимиз йўқ. Ҳар бир қишлоқ кенгаши қошида ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари тузилган. Лекин бу комиссиялар аҳён-аҳёнда ўтказилади, масъул кишиларнинг ҳисоботлари камдан-кам тингланади. Натижада туманда ичкиликбозликка қарши курашнинг аҳволини ҳеч ким

мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида «ги қонуни» эълон қилинган эди. Ходимларимиз меҳнат жамоаларида қарор эълон қилинган кундан эътиборан кенг тушунтириш ишларини олиб бораётирлар. Жамоат тартибини сақлашда фаол иштирок этаётган паспорт столи бошлиғи, милиция майори И. Иброҳимов, катта участка вакили, милиция катта



## ОСОЙИШТАЛИК ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

СИРДАРЁ вилоятининг Сайхунобод туманида салкам 55 минг киши яшайди. Дала меҳнатқашлари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан мўл-кўл ҳосил етиштириб, зиммаларидаги мажбуриятларни муваффақият билан адо этишмоқда. Милиция майори Ю. Тошбоев бошчилиги қилаётган туман ички ишлар бўлимининг ходимлари

осойишталикни таъминлаш йўлида ҳалол хизмат қилиб келмоқдалар.

**СУРАТЛАРДА:** туман ИИБ бошлиғи, милиция майори Ю. Тошбоев (ўртада) жиноят-қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти С. Сиддиқов ва кадрлар билан ишлаш бўйича инспектор, милиция капитани А. Рустамов билан бирга

тезкор тадбирлар режасини муҳокама қилмоқда; ИИБ навбатчиси, милиция катта лейтенанти А. Орзиқулов иш устида; катта терговчи, милиция капитани Н. Шомуродов (чапда), участка вакили, милиция катта лейтенанти А. Андақулов, туман ИИБ бошлиғининг тезкор иш бўйича ўринбосари, милиция майори Н.

Аҳанов ва ВЕИН инспектори, милиция катта лейтенанти Қ. Буринбоев тезкор-қидирув тадбирлари давомида мусодара қилинган ашёвий далилларни кўздан кечирмоқдалар; участка вакили, милиция катта лейтенанти А. Ҳасанов кишилар билан сўзлашмоқда.

**Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.**



ИЖТИМОЙИ ҲАЁТНИ пулсиз, олди-бердиси тасаввур қилиш қийин. Ҳамма замондаги каби пул одамлар орасидаги муомала воситасини ўтаб келаяпти. Хуллас, пул топиш керак, фақат ҳалол йўл билан.

Аммо бозор иқтисодиёти баҳонасида кечагина маошига қаноат қилиб яшаган, турмуши бинойидек кишилар пул топиш мақсадида ўзларини ўтга-чўққа ура бошлади. Отининг сот, молининг сот — пул топ қабилада иш тутишмоқда.

Биз кундан кунга ривожланаётган ишбилармонлик, тадбиркорлик, қадимги Шарқ анъаналари асосида тикланаётган савдогарликнинг ёмон димоқчи эмасми? Аксинча, ишбилармон, тадбиркор, бойлари кўп юртнинг одамлари яхши яшайди.

Бироқ давлат ва фуқаролар мулкига кўз олайтираётган, чўнтагини «адаштирган» ўғрилар ҳақида нима дейиш мумкин?

Ҳаром йўл билан бойлик ортиришни мақсад қилганлар зие-лисифат қийинишиб тикилинч

чўнтаккесарларнинг ошири олчи деяверинг. «Ака, ўртароққа сурилиг» деб «меҳрибонлик» кўрсатувчи айрим кимсаларнинг яширин ниятини қаердан биласиз.

Масалан, 1972 йилда туғилган, қилмишига яраша аввал ҳам

таитаналарда «ов қилиш» ни еқтираркан. У «Чорсу» бозорида тожикистонлик бир кишининг 6 минг сўм-купонини секин сугуриб олмоқчи эди. Аммо «ов» бароридан келмади.

Чўнтаккесарларнинг кўпи

## ЧЎНТАГИНИ «АДАШТИРГАН» ЛАР

транспорт воситаларида, тирбанд савдо расталарида «тирикчилик» қилиб юришади. Уларнинг эътибори асосан пойтахт меҳмонлари, аёллар ва қариаларга қаратилган.

Тиқилинчда бир оёқда туриб кетиш азобини жамоат транспортида юрганлар билади. Ана шундай вазиятда

судланган Ю. «Чилонзор» метро бекатида енг шимариб, иштаҳа билан янгийўллик болали аёлнинг 663 сўм-купонини ўмараётганида ходимларимиз томонидан қўлга олинди.

Муқаддам судланган Қ.нинг иш услуби умуман бошқача экан. У асосан байрам кунлари,

шаҳримизга қисқа муддатли «сафар» қилганлар. Шундайлардан қўқонлик М. ҳам бахтини излаб пойтахтга келган экан. У илпарни ҳам аҳолини қажшатиб юрганди. Навбатдаги жиноий иш устида эса фаолиятига чек қўйилди.

Уларнинг орасида ҳали оғзидан она сути кетмаган «жўжа»ларнинг

## ҚОНЛИ БАРМОҚЛАР

ИНСОН! Ақл-идроқи, фикрлаши билан ер юзидаги мавжудотлардан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам у Инсон! Аммо орамизда ҳайвондай бешафқат ва нонинсоф кимсалар борлигидан минг афсусланиб кетасан.

Сиз тафсилоти билан танишадиган ҳодиса ҳам худди ана шундайлардан бири ҳақида.

Бундан ўн йил муқаддам, яъни 1984 йилнинг 16 июлидан 17 июлига ўтар кечаси Қува тумани Дамариқ қишлоғида қотиллик юз берди. Шу қишлоқлик Исмоил Мамазияев турмуш ўртоғи Кароматхон Турғуновани уриб ўлдирганди. Қува туман суди уни махсус руҳий даволаш касалхонасига юборди.

Жазо муддатини ўтаб қайтган И. Мамазияевни ҳамқишлоқлари, ёру биродарлари ҳар қалай инсофга келиб қолгандир, оқ-қорани фарқида борадиган бўлгандир, деб хато ўйлаган эканлар. И. Мамазияев томонидан содир этилган иккинчи жиноят аввалгисидан ҳам мудҳишроқ бўлиб чиқди. Ўз томорқасида ишлаб турган Исмоил Мамазияев ўғли Тожаolini кутилмаганда оғир жисм билан орқа бош миёсига уриб ўлдирди. У жасадни томорқасига кўмиб ташлаб, устига бир неча түп түт кўчатини экиб қўйди.

Воқеани кимса кўрмаганлигидан қониққан Исмоил Мамазияев ҳеч нарса бўлмагандай яшайверди.

Бу борада Тожаoliniнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида маҳаллада гап тарқалди. Худди сувга чўккан тошдай Тожаoliniдан ҳеч қандай номнишон йўқ эди.

Лекин қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейдилар. Орадан икки йил ўтгач, қўшни Муҳаммаджон Райимжоновнинг қўйи йўқолди. Исмоил Мамазияевлар хонадонига ахтариб кирганида, у «қўйинини нима қиламан, ўзинини ҳам, қўйинини ҳам ўғлимга ўхшатиб ўлдириб юбораман», — деб дағдаға қилди. У жаҳл устида ўғлини ўзи ўлдирганлигини айтиб юборди. Ана холос, ота ўз ўғлининг қотили — сесканиб кетасан киши.

Акбаробод қишлоқ оқсоқоллар кенгашида мудҳиш миш-мишлардан хабар топган участка вакили, милиция катта лейтенанти Абдурахмон Қаюмов бунинг қанчалик ҳақиқат эканлигини аниқлашга киришди.

Участка вакили Исмоил Мамазияевнинг қўни-қўшнилари билан суҳбатлашди ва бир қанча суриштирув ишлари олиб борганидан сўнг миш-мишларда жон борлигига ишонч ҳосил қилди.

Участка вакили Абдурахмон Қаюмов бу тўғрисида Қува туман ИИБ бошлиғи Н. Юсуповга ахборот берди.

Ушбу иш юзасидан Қува туман ИИБ бошлиғи Н. Юсупов бошчилигида тезкор гуруҳ тузилиб иш бошлади. Олиб борилган ишлар зое кетмади. И. Мамазияевнинг жиноий кирдикорлари фох бўлди.

**О. АҲМЕДОВ,**  
**Қува туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани.**

борлигини кўриб еқа ушлайсан. 1977 йилда турилган Д. Андижондан. У «Фарҳод» бозорида бир аёлнинг 1000 сўм-купонини шиллаётганида сезиб қолишди.

Қариб қўйилмаган, ўғрилиги учун олдин ҳам жазоланган, 1928 йилда турилган А. исмли чол Акмал Икромов туманидаги озиқ-овқат дўкониде нафақадор кампирнинг 3 минг сўм-купонини сумкасидадан тортиб олаётганида илдини.

Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Лекин улар бир кун тугатилади. Чунки ички ишлар ходимлари чўнтаккесарларнинг пайини қирқиб учун доимо сергак иш олиб бормоқдалар.

**М. АБДУЛЛАЕВ,**  
**Тошкент шаҳар ИИББ ходими, милиция катта лейтенанти.**

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида жиноятга қўл уриш, ҳуқуқбузарликни содир этиш ҳоллари ошиб бораётганлиги туфайли жойларда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ҳуқуқий билимни тарғиб этишга катта аҳамият берилмоқда. Шу боис Қарши деҳқончилик саноати ва иқтисодиёти олий илмгоҳининг гидромеиорация куллийети талабалари билан вилоят ички ишлар бошқармасининг маъсул ходимлари ўртасида ошқора мулоқот ўтказилди. Даврани шу олий илмгоҳ ректори Эргаш Каримов бошқариб борди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Низомиддин Ғуломов, бошқарма жиноят-қидирув хизмати бўлинма бошлиғи, милиция майори Сулаймон Валиев, Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Йўлдош Пардаев, катта участка вакили, милиция майори Нодиров ўртоқлар қатнашдилар. "Ҳуқуқ-тартибот, одоб-ахлоқ, жиноят ва жазо" деб аталган ишбу давра суҳбатини милиция подполковниги Н. Ғуломов бошлаб берди:

— Мустақил республикаимиз ҳуқуқий давлат сари қадам қўймоқда. Энг муҳими, юртимизда осойишталик сақланмоқда. Мана шу кўриниш билан бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига ўрнак бўлаяпмиз десак, муболаға бўлмайди. Жиноятчиликка қарши кураш, жамоатчилик тартибини сақлаш

узиб олинмаганда эди унинг гўзаллиги ва ҳушбўйлигидан кўплар баҳраманд бўлган бўларди.

Яна бир масала. Ҳозирги пайтда иқтисодий қийинчиликни бошдан кечираяпмиз деймиз. Буям бироз эриш туюлмоқда. Негаки, ароқнинг нархи бир неча бараварига ошишига қарамай уни

салбий таъсир кўрсатди.

Номусга тегиш ҳадисда ҳам, қонунда ҳам қораланади. Афсуски, айрим нопоклар қизларни алдаб, унинг номини эл ичида бадном қилишга "эришмоқда". Шуни билингки, ҳаммамизда ҳам опа ёки сингил бор. Ўз опаси ва сингисини шу кўйга тушганда қайси бир ака ёки ука жаҳл отига минмайди. Ўртада хунрезликлар содир бўлиши мумкин-ку. Дейлик, жиноятчи жазони ўтайди ҳам. Аммо қиз шўрлик-чи, бир умр яшаши керак. Қўрьонда хотин-қизларимизни заифа деб юритилган. Улар эркакларнинг ҳаммаша ҳимоясига муҳтож. Ўтган йили вилоятимизда 12 та номусга тегиш факти аниқланди.

Бир мисол. Бир қизнинг уйда ёлғиз қолганлигидан хабар топган уч номаълум шахс қўқис уйга киришиб, унинг номусига

чиқишни режалаштирмоқдамиз.

Иккинчидан, участка вакилларимиз вақтли матбуотда, радиода кам чиқиш қилмоқда. Биз бу борада ҳам назоратни кучайтираемиз.

**Шўҳрат ҚУРБОНОВ**, талаба: — Қандай жиноятлар очилмай қолади?

**С. ВАЛИЕВ:** — Ҳар қандай жиноятнинг очилиши ходимларимизнинг тезкор ҳаракатлари ва гувоҳларнинг тўғри кўрсатмаларига кўпинча боғлиқ. Аммо бизда жиноятнинг очилиши анча яхшиланган. Жумладан, қотиллик ва оғир тан жароҳати билан боғлиқ барча жиноятлар очилган.

**Шароф ҚУРБОНОВ**, 3-босқич талабаси: — Ҳуқуқий билимларимизни ошириш мақсадида илмгоҳимизда дарслар ташкил этиш мумкинми?

**С. ВАЛИЕВ:** — Жуда маъқул таклиф. Албатта, илмгоҳ раҳбарлари бизнинг бошқармамиз раҳбарларига мурожаат этишса, ишонаманки, сизнинг таклифингиз амалга ошади.

**Ғолиб ХУДОЙБЕРДИЕВ**, 4-босқич толиби: — Милтиқ сақлаганларга жазо борми?

**Н. ҒУЛОМОВ:** — Ҳар бир балоғат ёшига етганлар ов милтиқларини олиш ҳуқуқига эга. Аввало улар ўзи яшайдиган тумандаги овчилик жамиятига аъзо бўлиб кириши керак. Қонунсиз милтиқни сақлаш қатъий таъқиқланади. Уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда кўп миқдорда жарима солиниши ёки совуқ қуролларни сақлагани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Айрим кишилар уйда ов милтиқларини рухсатсиз сақламоқда. Гоҳида улар милтигини жиноятчиларга ўғирлатиши, улар эса турли кесма совуқ қуролларга айлантириши мумкин. Шунинг учун ҳам рухсатсиз ов милтиқларини сақловчилар бўлса, бизга маълум қилишларингизни сўраймиз.

**Х. ЖУМАЕВ**, декан ўринбосари: — Агарда ётоқхоналаримиздан бирида таянч пункти очсак, менимча, талабалар ўртасида турли келишмовчиликларга ўрин қолмасди.

**Й. ПАРДАЕВ:** — Уринли савол. Ректорингиз рози бўлса, участка вакили учун истаган ётоқхонадан хона берса, таянч пункти ташкиллаштирамиз.

**Шўҳрат ХУРРАМОВ**, ўқитувчи: — Мустақил республикаимизнинг милицияси тизимини такомиллаштириш борасида қандай янгилликлар жорий қилинапти?

**С. ВАЛИЕВ:** — Маълумки, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва янги ислоҳлар ҳар бир сессияда кўриб чиқилапти десам, янгиликлардан бўлмасан, ички ишлар вазирлигимиздаги раҳбар ўртоқлар жаҳон полициясининг афзалликларини ўрганиб чиқишмоқда, шу билан бирга бизнинг муҳит шароити билан таққослаб, амалдагина кўрмоқдалар. Халқаро Интерполга аъзо бўлишимиз ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг юксак кўрсаткичларидандир. Бу йўлда изланишлар бўлаяпти. Муҳими, милиция халқ билан жипс ҳамкорлик ўрнатиб, жиноятчилик пайини қирқиб, юртимизда тинч-осойишталикни ўрнатишга хизмат қилаверади.

Давра суҳбатини ўроқ ХАЙДАРОВ ёзиб олди.

Табриклаймиз!



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖТСБга қарашли алоҳида милиция бўлинмасининг сардори, милиция подполковниги Раҳматжон Раҳимович ЖАЛОЛОВни 23 августда қирчиллама 42 ёшга тўлиши билан чин дилдан табриклаймиз.

Раҳматжон Раҳимович! Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилаймиз, хизматингизда Оллоҳ доимо мададкор бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖТСБга қарашли алоҳида милиция бўлинмасининг раҳбарияти ва шахсий таркиби.



Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги 4-сонли махсус ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмининг бошлиғи, ички хизмат майори Исроил Исломович ЙЎЛДОШЕВни туғилган куни билан чин қалбдан табриклаймиз. Узоқ умр ва машаққатли хизматида муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 4-МХУУҚ жамоаси.



Азиз дилбандимиз, МАЛИКАХОН! Жондан азиз сингилжон!

Сени 19 август — туғилган кунинг ва етти ёшга тўлганлигинг ва яна бу йил илк бор мактаб остонасидан ҳатлаётганинг муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Илоҳим, униб-ўстин, ҳар доим саломат бўл. Камолингни кўриб кўзимиз қувнасин.

Сени кучиб ойижонинг ЕКУТОЙ, адажонинг ҚОБИЛЖОН, акаларинг СОБИРЖОН ва ЗОҲИДЖОНлар.

## ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ҲАММАНИНГ БУРЧИ

менинг назаримда кейинги пайтларда фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг ишига айланиб қолмоқда. Йўқ, бу ҳамманинг бурчи. Масалан, талабалар биринчи галда ўз ётоқхоналарида осойишталик ўрнатиши керак. Ўз вақтида навбатчилик ташкил этиб, жиноятга қўл уришга мойил ёшларни аниқлашда ўқитувчиларнинг ва шу ердаги милиция таянч пунктидаги ходимларнинг кўмакчиси бўлиши зарур. Ўртоғингизнинг айбини яширдингизми, эртага бу яра мадда отиши мумкин. Талабаларнинг ягона мақсади — ўз севган касбини пухта ўзлаштириш, келажакда жамиятимизнинг етук эгаси бўлишдир. Аммо талабалар ўртасида жамоат тартибини бузиш, ароқ ичиб ҳушёрхонага тушиш ҳоллари ҳамон содир этилиб турибди.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг 4 ойи давомида олий ва бошқа ўқув юртлардан 46 нафар киши ҳушёрхона меҳмони бўлишган. Бу нимани кўрсатади? Талаба дарсни ташлаб ароқхўрлик қилса, ўқитувчи-чи? Эртага қандай юз билан ўқувчиларига таълим-тарбиядан сабоқ беради? Ўқитувчи ўқувчилари олдида обрўсизландими, қайта обрў қозониши қийин.

Жамоат тартибини сақлашда милиция ходимларининг яқин ёрдамчиси бу халқ дружиначиларидир. Ошқора айтиш керак, ҳозир халқ дружиначилари иши кўнгилдагидек эмас. Бугунги давра баҳона мазкур илмгоҳда халқ дружиначилари ҳаракатини жонлантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Иккинчидан, талабаларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш зарур. Айрим ҳолларда йўлда безорилик содир этилса, ўзини олиб қочувчи талабалар йўқ эмас. Негадир кўрмадим, дедим қўтўлдим қабилидаги тушунча онгимизни тарк этгани йўқ. Аслида жиноятни кўра-била туриб ўзини четга олиш бу ҳам жиноят ҳисобланади. Баъзан дейлик ёшларимиз йўл ўртасидаги ёхўд истироҳат болғаридаги гулзорларга кириб гул узишади. Кошки уни вазаларга қўйса, бирмунча вақт ўтмай оёқ остига ташлашади. Хўш, ўша гул

истеъмол қилувчиларнинг сони ортмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 4 ойида вилоят бўйича 2676 нафар фуқаро маст ҳолда ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса, бу йилнинг шу даврига келиб бу кўрсаткич 2937 та фактга етди. Турли оғир жиноятлар ана шу мастлик туфайли содир этилмоқда. Оқ ароқнинг қора иши туфайли ота болани, бола отани ўлдириши, оилавий можаролар, оғир тан жароҳати етказиш каби жиноятлар содир бўлмоқдаки, бу халқимиз удумига мутлақо зид нарсас.

Менинг илтимосим шуки, жиноят содир бўлганда ўзингизни олиб қочманг. Иложи бўлса, яқинда жойлашган милиция таянч пунктларига хабар қилинг, 02 га билдингиз. Бу эса жиноятни тез очилишига имкон туғдиради.

**С. ВАЛИЕВ:** — Ҳозирги шароитда мана шундай ошқора мулоқотларни ўтказиш ҳаводек зарур. Чунки сен тинч-юртинг тинч деган халқимизда нақл бор. Юртимизда осойишталик ҳукм сураяптими, демак, биз ҳар қандай мураккабликларга жавоб топа биламиз. Жиноятчиликка қарши кураш — ҳаммамизнинг мақсадимиз. Ўзбекистон ҳуқуқий давлат сари интилаяпти. Эндикда юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг конституциявий бурч ва талабларини ҳамда процессуал мажмуаларни ўқиб-ўзлаштириши керак. Фуқаролик ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаган шахс ўзгаларни ҳам муҳофаза этишда ожизлик қилади. Кўпинча жиноятларнинг содир бўлиши фуқароларнинг ҳуқуқий билими саёзлигидан келиб чиқмоқда. Ўзи содир этаётган жиноятнинг охири-оқибатини ўйламай ҳаракат қилган шахсларни муқаррар жазо кутади.

Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Омонкул Таниев 1993 йилнинг 13 июль куни ўғли, аввал судланган Раҳмон Таниев билан ўз уйда спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Ароқнинг таъсирида ота боласининг бўйнига бир неча марта болта уриб ўлдиради. Агар шу ерда ароқ ичилмаганда балки бу жиноят содир бўлмасди. Бундай олганда бир оила туғади, бундай ҳол унинг қавми қариндошлари, қолаверса, барчамизнинг кайфиятимизга

тегмоқчи бўладилар. Бироқ қиз ўзини улардан қутқариш учун 3-қаватдан пастга ташлайди. Унинг бир неча қовурғаси синиб, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Номус ўлимдан кучли. Қиз шундай пайтда нима қилиши керак эди? Уч номаълум шахс изқуварлар томонидан қидирилиб, қўлга олинди. Улар жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкент Молия олий илмгоҳи толиби Н. Жамшид Қарши шаҳрида яшовчи 9-синф ўқувчисининг ишончига кириб олиб, алдаган. Талабалар ўртасида бундай фактлар борлигини яна давом эттиришим мумкин. Бироқ сизларга айтмоқчи бўлганим, кимки ёмонлик йўлига кирибди, албатта, жазо олиши муқаррар. Агарда ўша талаба ўзи қўл ураётган жиноятнинг охири-оқибатини билганда эди, бу номақбул ишга қўл урмасди. Шу боис ҳам ҳар бир талаба ҳуқуқий билимларини ошириши лозим. Улар керакли ҳуқуқий илмий-оммабоп брошюра ёки китобларни ўқиб чиқса, ҳар қандай жиноят юзасидан жазо чора кўрилишини англаб етган бўларди.

**ДОНОВ**, олий илмгоҳнинг ўқитувчиси: — Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида жиноятчилик камаймаяпти? Бунга сабаб нима?

**С. ВАЛИЕВ:** — Вилоятда статистика маълумотлари бўйича жиноят камайган. Аммо ёшлар ўртасидаги жиноят факти ўтган йилга нисбатан 3 фактга кўп. Бу эса кейинги пайтларда мактаб, ўқув юртларида интизом масаласи бироз бўшашганлигидан далолат беради.

**Й. ПАРДАЕВ:** — Шу саволга қўшимча қилмоқчиман, тарбия оиладан бошланади. Маҳалланг — ватанинг, ота-онанг, дейишади. Бугунги кунда ҳар бир жиноят маҳаллаларда жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши керак. Жиноятчининг ҳам ота-онаси, қавми-қариндоши бор-ку. Қолаверса, участка вакиллари ҳар чоракда ўз ҳисоботини бериб туриши керак. Биз бу борада алоҳида режа ишлаб чиққанмиз. Ҳар бир участка вакилининг ҳисоботини унинг ўз мавзесида, маҳалла кенгашидаги ўртоқлар билан ҳамкорликда эшитиб, керакли чора-тадбирларни ишлаб

Ўзбекистон ва Туркия Ички ишлар вазирликлари 1992 йилги ўзаро шартномасига мувофиқ ҳамда Туркия ички ишлар вазирлигининг таклифига биноан ўтган йилнинг август—сентябрь ойларида республикамиздаги икки туман ички ишлар бўлиmlарининг раҳбарлари Туркияда бўлиб қайтишди.

Хизмат сафарининг асл мақсади Туркия жумҳурияти полицияси ва жандармасининг жиноятчиликка қарши курашдаги иш фаолиятлари билан атрофлича танишишдан иборат эди.

Қуйида сиз Бахмал тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Абдуғаффор Ҳамидович САТТОРОВнинг Туркия полицияси ва жандармаси хизмати тўғрисидаги таассуротлари билан танишасиз.

ЮРТДОШЛАРИМИЗГА маълумки, Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат Туркия жумҳуриятидир. Республикаимизнинг истиқлолга эришиши нафақат ўзбек халқини, балки Туркияда яшаётган ўзбекларни ҳамда туркиялик қардошларни ҳам беҳад қувонтирди.

Туркий за бон жумҳуриятларнинг истиқлол йўлида шахдам одим ташлаётган бир пайтида, қардошларимиз юрти — Туркия ва бошқа ривожланган мамлакатларга республикамиз олимлари, иқтисодчилари ва тижоратчиларининг сафари яхши натижалар бераётганидан кўз юмиб бўлмайди. Сўнгги йил ичида Ташкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва бошқа шаҳарларда Туркия—Ўзбекистон қўшма корхоналарининг ташкил этилиши, турк ўқув коллежларининг очилиши келажакимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Туркия тўғрисида матбуотда кўпгина мақолалар ёритилмоқда ва ойнаи жаҳонда кўрсатувлар бериб боришмоқда. Минг бора эшитгандан бир марта кўрган маъқул дея бежиз айтилмаган. 1993 йил Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг йўлланмаси билан республикамиз ички ишлар идораларининг бир гуруҳ вакиллари Туркияда хизмат сафарига бўлди.

Бизнинг хизмат сафаримиздан кўзланган асл мақсад Туркия полицияси ва жандармаси иш фаолияти билан танишиш ва уларда қўлланиладиган криминалистик техника, қурол-аслаҳаларни ўрганиш эди.

Туркия тупроғига тайёраимиз кўниши биланоқ бизни Туркия Ички ишлар вазирлигидан ходимлар илик қаршиладилар. Туркия Ички ишлар вазирлиги томонидан аввалдан тайёрланган дастурга мувофиқ, биз дастлаб Анкара университетига турк тили грамматикасини ва сўзлашиш методикасини ўргандик. Ўқиб жараёндан ажралмаган ҳолда

Туркия Ички ишлар вазирлиги бош бошқармалари (Туркияда бош мудирлик деб аталар экан) иш фаолиятлари билан танишдик.

Туркия Ички ишлар вазирлиги тузилиши бизнинг ички ишлар вазирлиги тузилишидан жуда катта фарқ қилади. Туркия Ички ишлар вазирлигига Полиция (Туркияда Умумхавфсизлик бош мудирлиги деб аталар экан) ва Жандарма қўмитанлиги бевосита бўйсунди.

Полиция (Умумхавфсизлик) бош мудирлигида Туркия бўйича 130 минг полиция ходими хизмат қилади. Умумхавфсизлик бош мудирлигининг жами 27 та бошқармасида, 123 бўлим мавжуд. Хизмат сафари чоғида барча бошқармалар ва бўлимлар иш фаолиятлари билан танишиб

жиноятчиликка қарши кураш ва содир этилган жиноятларни тезкорлик билан очишда қўлланиладиган криминалистик янги техникалар билан таъминлаш чорасини кўради. Полиция коллежи ва академиясида эксперт-криминалист ихтисослиги бўйича тайёрлов курслари мавжуддир.

Туркияда полицияда ҳам, жандармада ҳам кадрлар танлаш, тайёрлаш ва ўқитишга катта аҳамият берилади. Полицияни ёш кадрлар билан таъминлаш мақсадида Туркияда жами 18 та полиция ўқув юрлари мавжуддир. Ундан ташқари Туркия пойтахти Анкара шаҳрида полиция коллежи ва полиция академияси бор. У ерда полиция коллежи ва полиция ўқув

давлатларда ишлаб чиқарилаётган замонавий техникаларга эга бўлишда Интерполга аъзо бўлганлиги асосий роль ўйнаётгани шубҳасиздир.

Сафар чоғида биз баъзи қабул қилинган ва қабул қилинажак қонунлар лойиҳаси билан танишиш ҳуқуқига муяссар бўлдик. Полиция ва жандармага тааллуқли ҳамма қонунлар Туркия Анаяса (Конституция)сига асосан ишлаб чиқилади.

Бевосита полицияга оид қонунлар лойиҳаси Умумхавфсизлик бош мудирлиги ҳуқуқ бошқармаси томонидан тайёрланади. Лойиҳа тайёрлаш жараёнида бош мудирлигининг ҳамма бошқармаларидан тушган таклиф ва мулоҳазалар инобатга

статистик маълумотларни тўплайди. Статистик маълумотларга кўра, Марказий Осиё жумҳуриятларидан 10 мингдан ортиқ талаба Туркияда тахсил кўрмоқда.

Туркияда 30 га яқин сиёсий партиялар иш олиб бормоқда. Ҳар бир партия ҳукуматининг тутаётган йўлига катта ҳурмат билан қарайди. Бундан ташқари мамлакатдаги энг кучли сиёсий партиялар мамлакат тараққиёти йўлида ўзаро ҳамкорлик қилиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олиб, битим тузганлар. Бу битимга риоя этмаган партия раҳбарлари миллат ва жамият тараққиётининг душмани сифатида қораланади ва жазоланади.

Туркия полиция ва жандармаси иш фаолиятини ўрганиш жараёнида биз Туркиянинг амалдаги жазо, фуқаролик, террорга қарши қонун, жазо ўташ жойи тўғрисидаги қонунлари билан ҳам танишдик.

Сафаримизнинг дастлабки кунларидан Туркия Ички ишлар вазир, Анкара шаҳар валиси (ҳокими), Истамбул шаҳар валиси ва полиция бошқармаси бошлиқлари билан бўлган мулоқотларда улар ўзбек халқига нисбатан эҳтиромлари чексиз эканлиги ҳақида қувонч билан гапирдилар ва республикамиздаги энг асосий бойлик — осойишталик сақлаб турилса, албатта истиқлол йўлидаги эзгу ниятлар рўёбга чиқажагига ишонч билдирдилар. Сентябрь ойда бўлиб ўтган Марказий Осиё жумҳуриятларидан борган талабалар ва хизмат сафари бўйича борган турли соҳа вакиллари билан учрашувда (биз ҳам бу учрашувда иштирок этдик) Туркия Президенти С. Демирал: "Бугун Туркия Марказий Осиё жумҳуриятлари мустақиллигини қўллаб-қувватлайди ва доимо мадад беришга тайёрдир. Ҳаммагиз учун жон азиз, аммо жондан азиз нарса бор, бу Ватандир. Ўз ватанингизни севинг, унинг мустақиллигини авайлаб-асрагил!" — дея алоҳида таъкидлади. Бу сўзлар залда ўтирган ҳар бир кишининг ўз ватанига бўлган муҳаббатини янада оширди ва тўлқинлантирди.

Хизмат сафарига кўпгина турк қардошлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ватанига бўлган муҳаббати, давлат байроғига нисбатан ҳурмати чексиз эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шу билан бирга Туркия халқи жуда аҳил, уларда миллий гурур ҳисси жуда кучли.

Ҳозирги шароитда республикамизда осойишталикни сақлаш йўлида Туркия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдалансак, республикамиз келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши шубҳасиздир.

## ТУРКИЯ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТААССУРОТЛАРИ

чикдик ҳамда улар қўллаётган криминалистик техника, қурол-аслаҳалар, автомашиналарни ўргандик. Жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни очишда бош мудирлик бошқарма, бўлим ва бюрларда компьютерлардан кенг фойдаланадилар. Шу сабаб компьютер билан ишлашни назорат қилиш учун умумхавфсизлик бош мудирлигида компьютер билан ишлаш бошқармаси ташкил этилган. Айниқса, жойларда телефон ва рақия алоқалари яхши йўлга қўйилган. Япония ва Америкадан келтирилган, ўзлари билан олиб юриш учун мўлжалланган митти рақияларнинг мавжудлиги эса жиноятчи қочганда, жиноят содир бўлган жойга тезкор гуруҳнинг етиб боришида катта қудайлик яратади.

Анкара шаҳрида бўлганимизда шаҳар бош мудирлик бошқармасига қарашли криминалистик лаборатория билан танишдик. Кўпгина криминалистик техникалар Америка, Олмония, Япония, Швейцария, Италия давлатларидан келтирилган бўлиб, хизмат қиладиган ходимларнинг ҳар қайсиси ўз ихтисоси бўйича фаолият кўрсатмоқда. Наркотик моддалар, қалбаки пулларни аниқлаб бериш, балластик экспертизалар ўтказиш автоматик равишда амалга оширилади ва экспертлар томонидан ҳулоса берилади. Хулосанинг кечиктирилиши эса экспертларнинг маъмурий ва интизомий жазога тортилишига сабаб бўлади.

Умумхавфсизлик бош мудирлигидаги криминалистик лаборатория бошқармаси асосан

юртларини битирмаган ҳеч бир шахс полицияда хизмат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунингдек, ҳеч бир фуқаро дастлабки полиция ўқув юртларини битирмасдан полиция академиясига қабул қилинмайди.

Полиция ўқув юртлари ва полиция академиясига бўлиб, уларнинг ўқув жараёнилари билан танишдик ва каттиқ интизом ўрнатилганлигининг гувоҳи бўлдик. Умумхавфсизлик бош мудирлигидаги илм ўргатиш бошқармаси полиция хизматчилари малакасини ошириш билан шуғулланади. Амалий машғулот, малака ошириш курс программаларини ишлаб чиқади. Полиция ўқув юртлари, полиция коллежи ва академиясида ўқув программаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этади. Шу билан бирга полиция участкаларидаги жиноятчиликка қарши курашдаги муаммоларни ўрганиб, ўқув программаларига янги таклифлар киритади. Бунинг натижасида назария билан амалиёт боғланади ва баъзи муаммолар ўз ечимини топади.

Энг қизиқарлиси шундаки, полиция коллежи ва полиция академиясига инглиз, олмон ва француз тилларининг тўлиқ дарс сифатида ўқитилишидир. Анкара ва Истамбул шаҳрида биз мулоқотда бўлган шаҳар ва туман полиция мудирларининг кўпчилиги инглиз ва француз тилларида сўзлаша оладилар.

Туркия жумҳурияти 1930 йилдан буён Интерполга аъзодир. Шундан буён унинг 169 та аъзоси билан жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилмоқда. Айниқса, жаҳондаги энг ривожланган Америка, Олмония, Франция, Япония каби

олинади.

Полиция иш фаолиятлари билан танишиш давомида уларнинг ижтимоий ҳимоялиниши бўйича ҳам қизиқдик.

Нафақага чиққан полиция ходимларига биздаги каби моддий ерданлар кўрсатиб турилади. Аммо Туркияда полиция ходимлари учун уй-жой муаммоси ечилмаган. Полиция ходимларининг 30 фоизи полицияга қарашли уйларда яшайди.

Туркияда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни очишда полиция билан баробар жандарма хизмати ҳам ташкил этилган. Полициядан жандармнинг фарқи шундан иборатки, полиция шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкаларда хизмат қилса, қишлоқ жойларда жандарма хизмат қилади. Туркия умумий ҳудудининг 92 фоизиди жандарма хизмати ташкил қилиниб, қолган 8 фоизиди полиция хизмат қилади.

Жандарма хизматчилари тайёрлайдиган жандарма ўқув қўмитанлиги мавжуд. Бу ўқув юртида баъзи мусулмон мамлакатларидан курсантлар тахсил олмоқдалар. Жандармада қўлланиладиган техникалар, қурол-аслаҳалар полициядаги кабидир.

Сафар чоғида биз Туркияда давлат бошқаруви, давлат юқори ва қуйи ташкилотларининг иш фаолиятларини ўрганувчи ва мувофиқлаштирувчи институтда бўлдик. Бу институт 1952 йилда ташкил этилган бўлиб, Туркиядаги ҳамма вазирликлар, сиёсий партиялар, корхона, ташкилотлар, ўқув юртлари, саноат, тижорат тўғрисидаги

ЙУҚ, БИЗДА: "Хуш келибсиз, биродар", дейилмайди. Ахир, бизга келувчиларнинг аксари беҳуш ёки деярли беҳуш бўлса, қандоқ қилиб хуш келдингиз

Унда билиб олинг, гап меҳмонхо... тўғрисида, хушёрхона ҳақида кетаяпти.

Гапимга ишонаверинг, бизда шароит зўр. Агар ёмон бўлганида

раҳмингиз келади-да, ахир. Бир амаллаб жой тўғрилаб берамиз. Қайта-қайта ичиб келаверган 64 та "таниш-билиш"га янаям яхшироқ жойга — наркология

уйнинг 1-хонадонига яшайди. Ароқ ичишда ҳам биринчилардан. Топиш-тутиши яхши. Кимсан, вилоят Кимё. сервисиди муҳандис бўлиб ишлайди. Бизга келиш учун "йўлланма" қидириб ернинг тагидан бўлса ҳам "топади", кейин "ҳор-р-манглар" дея кириб келаверади. Кечаги ойда ҳам бир келиб кетди. Шу юриши бўлса, яна келиши аниқ.

Раҳим Ҳазратқулов. Жиззах туманидаги Қорасой қишлоғида туғилган.

Турдимурот Норматов. 1952 йилда туғилган. Жиззах туманининг Кувёбоши қишлоғида яшайди. Раҳим билан Турдимурот бир жойда — шаҳардаги 22-автокорхонада ҳайдовчилик қиладилар. Дарвоқе, иккаласи ҳам бир кунда бир кунга дам олиб кетиш учун биздан изн сўрашди. Йўқ демадик.

Санд Тўхтамишев. 1952 йилда туғилган. Шаҳарнинг Маданият маҳалласидаги Пахтакор

кўчасининг 2-уйи, 1-хонасида яшайди. Жиззах гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобчиси. (Ҳа, энди гўшт комбинати ҳисобчиси ичмай, биз ичайликми?) Санд акамиз тоғаларининг тўйларида озгина ҳаддидан ошган эканлар. Ҳечқиси йўқ, бир кеча меҳмон бўлдилар.

Охирида икки сўровимиз бор: 22-автокорхона, вилоят Кимё сервис ва гўшт комбинати раҳбарлари ҳамда Ҳамид Олимжон, Маданият маҳаллапарни, Кувёбоши, Қорасарой қишлоқлари оқсоқоллари юқорида номлари зикр қилинганлар ҳақида қандай фикрдалар? Уларни тартибга қайтариб қўйишга қодирмилар ёки бизнинг тинчимизни яна бузиб юрaverишгани маъқулми?

С. МАМАТУРОДОВ, Жиззах шаҳар ИИБга қарашли хушёрхона ходими, милиция лейтенанти.

## "ХУШ КЕЛИБСIZ, БИРОДАР..." (киноя)

деймиз. Илтифотни ўрнига қўймасак ҳам барибир келаверишад-ей. Бу қанақанг жой эканки, ташриф буюрувчиларни кўнгилдагидек қутиб олишмаса, деб ўйлаётгандирсиз, ҳойнаҳой. Жавоб эса шу. Қадам ранжидида қилувчилар ширин каломга муносиб бўлмасалар кўнгилдагидек қутиб олишга ҳожат борми?

Ҳали ҳам гап нима ҳақида кетаяптганини билолмаяпсиз-а?

Баъзи кишилар икки-уч қайталаб меҳмондорчиликка келишмасди. Утган йилнинг беш ойи мобайнида 394 нафар киши хушёрхонамизга беҳуш келиб, хушли кетган бўлса, бу йилнинг беш ойда уларнинг сонини 677 тага етди. Демак, "мижоз"ларимиз 293 тага кўпайбди.

Бизда кўпинча жой етишмай қолади. Аммо қайтариб юбориш ҳам инсофдан эмас. Бола-чақаси, оиласи, маҳалласи меҳридан кечиб, мўлтиллаб келиб туришса,

шифохонасига қоғоз тўғрилаб бердик. Лекин нима учундир улар биздан норози бўлишди. Яхшиликка ёмонлик деганлари шу бўлса керак-да. Лекин биз хафа бўлмаймиз. Аксинча, яна икки кишини "супер меҳмонхона"га жўнатдик. Икки йилга. Бу ишда суддаги ўртоқларимиз ёрдам беришди.

Энди "мижозлар" билан танишинг:

Шамил Нагаев. 1944 йилда туғилган. Баумян кўчасидаги 2-

Латофат холанинг кўнгли хуфтон. Совчилар келавериб эшикни бузиб юборгудек. Бугун кизи уйга қайтиши билан унинг гирибонидан олмаса бўлмайдианга ўхшайди. Бироқ у кечқурун қизини кўрдию яна шахдидан тушиб қолди. Гапни нимадан бошлашини билмай хуноби ошди. Ниҳоят, яна тилга кирди.

—Энди, қизим, бўладиган ишнинг бўлгани яхши. У йигит ҳам ўзинга ўхшаган эсли-хушлигини, ишқилиб?

—Вой, ойишон-ей, у билан телефонда гаплашиб тураман, холос.

Латофат хола ҳайрон бўлиб қолди чимирди.

—Қайдам, у йигит тўғрисида дугонанг Ҳанифадан эшитганман.

деган ҳаёлда хиёбонни кесиб ўтиб, бекат томон юраётсам, қўлимдан кимдир ушласа бўладими! Юрагим ёрилаётди, қарасам кўзлари аланг-жаланг, соч-соқоли ўсган иккита барзанги турибди. Қўлимдан ушлаб олгани:

—Биз билан сайр қилмайсизми, оппоқ қиз?—деди ишқилиб, ёнидагиси эса ҳиринглаб кўларди. Қўрққанымдан тилим танглайимга ёпишиб қолган эди. Мен нима аҳволда-ю яна бири тиржайиб ярамас сўзларни гапира бошлади...

—Ажажонлар, илтимос, мени кўрқитманглар, жон акалар. Илтимос, қўйиб юборинглар, мен сизлар ўйлаган қизлардан эмасман, ахир сизларниям

борган безорининг аввал қўлига, сўнг эса кўкрагига эччиллик билан шунақа тепдики, бунақасини фақат киноларда кўрганман. Биринчиси ўрнидан қайтиб туролмай ётиб қолгач, ҳалиги иккинчиси аввалига бироз доддиради-ю, сўнгра унга ташланди. Шу пайт бир нарсаси "ширк" этиб кетди, қарасам, безорининг қўлида пичоқ ялтираб турибди.

—Пичоқни ташла, Санжар, мен сени таниб турибман ташла яхшиликча,— деди милиционер ҳансираб.

—Менам, сени таниб турибман, Олим,—деб қичқирди пичоқни қўлида ўйнатаркан безори. —Сени бу ерга худонинг ўзи етказди, ит! Қаматсанг ҳам кейин ўчмини оламан дегандим, бугун сўзимнинг устидан чиқаман!

Мен эса ҳозир уни ўлдириб қўйишди, деб дидир-дидир титрайман, юришга мажолим йўқ.

Бир вақт қарасам, милиционер безорининг қўлларини қайириб тиззаси остига босиб турибди.

—Синглим, бу ёққа келинг тез, рўмолингизни олинг,— деб қолди. Ерда ётган рўмолимни олиб югуриб бордим. —Мана бу ердан боғланг. Қўрқманг, мен ушлаб турибман...

Мен жонхалатда чандиклаб боғлаб ташладим. Милиционер қочиб кетаётган иккинчи безорининг орқасидан қувиб етди-да, қўлларини қайириб, менга юзланди:

—Синглим, ҳув, анаву чироқ ёниб турган бинони кўрапсизми, у ерда телефон бор. "02"га кўнғироқ қилиб, "Тинчлик" хиёбонига муштлашув бўзлапти, лейтенант Ғиёсов шу ерда, тезда наряд юбораркансизлар!" деб айтиб, тушундирганими?—деди.

Мен ноён чироқлари ёниб турган бино томон югурдим. Телефон қилдим, йигитнинг ёнига қайтдим, шошилчинча эътибор бермаган эканман, бечоранинг ўнг қўли қип-қизил қонга беланганди. Олишувда пичоқ кесиб кетган экан. Ўзи нима аҳволда-ю, "Энди чап қўлда ёзишни ўрганишга тўғри келадиганга ўхшайди" дейди. Қўйлагининг ҳам енгини узилай деб қолган экан, шуни олиб қўлларини боғлаб қўйдим. Бу орада "ялт-ялт" чироғини ёқиб милиция машинаси келиб тўхтади ва ундан учта милиция ходими югуриб туришди. Безориларни милиция биносига олиб боришди, мени уйга келтириб қўйишди.

Олим ака ана шунақани одам. Латофат хола гўё бу даҳшатли воқеа кўз олдида содир бўлаётгандек, оқариб-бўзарганча анграйиб қолган эди.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,  
милиция катта лейтенанти.

# МЕН КИММАН?

## ИНТЕРМЕДИЯ

(Эшикдан икки аёл — хола ва жияни кириб келади. Холанинг қўлида сумка, тўрхалта).

НАФИСА. — Оббо, жиян-ей, учрашиб қолган жойимизни қара, сартарошхонада-я.

ДИЛОРОМ. — Мен доим шу Марказ-27 даги сартарошхонага келаман, вой, сумкангиз ҳам оғир экан-а, кўтаришиб юборай ҳам демабман-а.

НАФИСА. — Қўявер, ҳозир жойлаштириб олайлик-чи, кейин биргалашиб чой ичамиз. Бир йўла бозор ҳаражатиным қилиб олай дедим-да...

(Холаси ошхонада чой тайёрлаш билан овора. Дилором стол устида турган жиянининг расмини олиб кўради).

ДИЛОРОМ. — Манаву Элёр-ку, вой-бў, жуда чироили бўлиб кетибди-ку!

НАФИСА. — Мактабда ҳам аёло ўқийди. "Ойишон, одам дунёда пок бўлиши керак, бировнинг ҳақидан кўрқиб керак. Мен катта бўлсам ўғрилари тутадиган изқувар бўламан", дейди.

Ишқилиб, шундай ақлли бола бўлганки, анаву кунни гиламда бир дона метронинг тангаси тушиб ётган экан, "Ойишон, сизники тушиб қолибди", деб топиб берди-я, барака топгур.

(Дилором стол устидаги дафтарни арақлайди. Овоз чиқариб ўқийди).

ДИЛОРОМ. — Мен кимман? (Холаси чой олиб киради).

НАФИСА. — Ота-онанг ким бўлганки сен ким бўлардинг... фу! (Унинг кўзи Дилоромнинг қўлидаги дафтарга тушади). Ҳа, бу Элёржоннинг дафтари-ку. "Мен кимман", деган мавзуда ишро ёзишмоқчи экан. Чойга қара, Дилором. Ҳозир озроқ тухум қовуриб юборай.

ДИЛОРОМ. — Майли, сиз ишингизни қилаверинг, мен ўртоғимга кўнғироқ қилиб олай.

(У телефон рақамларини тиради). Алло, Наргиза, яхшимисан? Нима тобинг йўқми? Йўқ, мен билмадим... Ахир ойингла тикувчи бўлганларидан кейин мингта одам келади-кетади. Мен қаёқдан биламан...

(Трубкани қўйиб, ух тортади).

НАФИСА. — Дилором, нега рангинг ўчиб кетди, телефонда ким билан гаплашдинг?

ДИЛОРОМ. — Мен кетгандан кейин уйдан бир кийимлик атлас йўқолган эмиш... Тухматчи, афист!

НАФИСА. — Ўтир, чой ичамиз.

ДИЛОРОМ. — Майли, мен борақолай, негадир иштаҳам йўқ. (Кета бошлади).

НАФИСА. (хавфсираб) — Қани... (чойнак ичини қарайди, тилла занжир йўқ). Қани тўхта-чи, сумкангни оч-чи, буёққа бер. (Сумкани титади).

ДИЛОРОМ. (кўрқиб) — Вой нима қилипсиз ўзи?!

НАФИСА. — Эрталаб манаву чойнак ичига тилла занжиримни солиб қўйиб кетган эдим...

ДИЛОРОМ. — Ҳа, Элёрингиз олгандир?

НАФИСА. — Сумкангда йўқ... (Дилором кета бошлади, эшикдан Элёр кириб келади).

ЭЛЁР. — Ассалому алайкум!

НАФИСА. — Элёр, сен манаву ердан тилла занжир олмадингми?

ЭЛЁР. — Йўқ. (Дилоромга хавфсираб қараб). Сумкангизни беринг-чи (тита бошлади, уна идишини олиб ичига бармоқ юргизиб, тилла занжирни олиб кўрсатади). Мана-ку, ойишон!..

Санобар ҚОДИРОВА.

# ХИЁБОНДАГИ ОЛИШУВ

## ҲИКОЯ

Ўзинг бу ҳақда кўнглингни очиб гапирмасанг? Қўл-оёғи бут, ақлли-хушли бўлса бўпти-да,—деди у ўзини ўзи юпатиб.

—Хавотир олманг, ойишон, бир қўлингизни иккита бармоғи йўқлигини ҳисобга олмаганда, бошқа ҳаммаёғи бут-бўтун.

Латофат ая ҳайкал бўлиб қотиб қолди:

—Бармоқлари йўқ дейсанми? Онадан шундай туғилган эканми, ёки...

—Йў-ўқ, ойишон, ахир унақа бўлганда, уни милицияга ишга олишмасди-ку.

Дарвоқе, ойишон, ҳали мен сизга у билан қандай танишганимни айтиб берганим йўғ-а?

—Йўқ, ахир у тўғрисида энди гапиряпсан-ку.

—Ундай бўлса эшитинг. Эсингиздами, ўтган йили кузда

Малоҳат холаминг мазалари қочиб, бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолганларидан ширғурч пишириб борганим,—дея ҳикоясини бошлади Назокат.

—Ҳа-ҳа, эсимда.

—Ушунда касалхонадан чиқсам қоронғу тушиб қолган экан, дилим хуфтон бўлди. Таксига тушай десам, ёнимда арзиманган пул қолган. "Ҳеч бўлмаса троллейбусга чиқиб оларман"

мендек сингилларингиз бордир?!" деб ялиниб-ёлворсам ҳам юракларим эримади. Аксинча, биттаси "Ҳе, бу билан ади-бади айтишиб ўтираманми?" деди-ю иккалови бўридек ташлашиб, нарироқда турган машина томон судрашди. Мен бўлсам йиғлаганимча "Вой-дод, одамлар, ердан беринглар ердан беринглар!" деб бақиравердим, бақиравердим. Безорилардан бири "Ҳе-е, ўчир овозингни-ей!" деб ҳиқилдоғимдан бўғиб, оғзимга аллақандай шўртанг латтани тикиб қўйди. Мен типирчилаб машинага миндиришларига кучим борица қаршилиқ кўрсатар, улар эса сочинмдан, қўл ва оёқларимдан судрашарди. Шу пайт ердан чиқдим, осмондан тушдим билмайман, мотоцикл келиб тўхтади, ундан бир милиционер тушиб, биз томонга қараб чопди.

У йўл-йўлакай:

—Қўлларингни кўтарларинг, йўқса отиб ташлайман!—деб, қичқирди. Безорилар кўрқиб дарҳол қўлларини кўтаришди. Лекин зум ўтмай улардан биттаси: "Қўлида қуроли йўқ-ку",—деди-да, машинадан бир темир олиб унга ташланди. Иккинчи йигит ҳам ростдан қуроли йўқлигини кўргач, қўлларини тушириб у томонга юрди.

Милиционер ҳам анойилардан эмас экан, темир таёқ кўтариб югуриб

билмас эди. Қурувчилар кўчасидаги учинчи барак қуршаб олинди. Зудлик билан ҳарбийлар чақирилиб, ташқаридан ҳам ўралди. Раменскоега кириш тақиқланди. Чангаклар кўтариб, газга қарши ниқоблар кийган тиббиёт ходимлари баракка кирдилар. Йўлакка чопиб чиққан бир кампир бу даҳшатли қиёфаларни кўриб ерга йиқилди,

чинқирганча жўнади. Қолган бошқаларни зудлик билан кўчиришди. Эркакни Соколина Горага олиб боришди ва қўлтиқ ўлатига қандай чора кўришни унутганлари учун изоляторга тикишди-да, ўзлари дарсликларни арақлашга тушишди. Бундан ташқари 22-йили ўлат бўйича мақола ёзган, эндиликда Биковадаги дала

қолгани учун сира ҳам баракка қайтгиси келмас эди. Шунда умумий палатага ўтказишди, у ерда эсон-омон ичкетар касалини юктириб олди ва тағин бир ой Соколина Горада қолиб кетди, сўнгра ичкиликни буткул ташлади.

Аммо, бу кейинроқ содир бўлди, унгача эса Дашаянцни излай бошладилар. Уни кейинги гал навбатчиликка келганда топишди ва у қилмишини бўйнига олди. Дашаянцни дипломидан маҳрум этишди, тўғри, бор йўғи уч ойга. Бироқ у уч ой ялло қилиб яшади, чунки ҳеч нарсадан ҳеч нарсга йўқ янги уй олган баракнинг собиқ аҳолиси шиша кўтариб келиб туришди. Совғалар беришди, раҳнамомиз деб аташди, бир хотин ҳатто қўлини ўпмоқчи эди, Дашаянц худди шу қўли ювқисизлигини айтиб рози бўлмади.

Унинг ёнига бошқа баракдагилар ҳам ташриф буюришди, катта пул ваъда қилишиб, уларда вабо, чечак ёки ҳеч бўлмаса мохов касали бор деб ёзишни сўрашди. Аммо Дашаянц бирорта порага кўнмади ва фақат соф санъат учунгина ҳазиллашини айтди. Ҳозир Дашаянц фан номзоди, арзизмаган маош олади ва ўшандаги пулларни олмагайига жуда ачинади. Тиббиётда бунақанги муваффақиятга эришмади, ҳеч қачон эришмайдиган ҳам. У реанимацияда ишлагани учун ўз беморларидан бирор тийин ундиролмайди. Беморлар сал тузалган заҳоти бошқа палата ва бошқа врачларга ўтказиб юборилади.

О. ФАРМОНОВ таржмаси.

ПЛАТИНСКИЙ ва Дашаянц менга тиббиёт тарихидан талай воқеалар айтиб берган. Мана, ўшалардан биттаси.

Бу олтиминчи йилларнинг бошида бўлганди. Дашаянц тун бўйи касалхонада ишлар эди. Чақириқ билан Раменскоега борарди. Москва четида шунақанги қишлоқ бор эди.

Уша даврда қишлоқ бараклардан иборат, халқи ярим шаҳарлик, ярим қишлоқлик эди. Бир кун Дашаянцни такани кўриб қўйишга чақиришди. Қандайдир чол кўнғироқ қилиб, "невара касал" деди. Дашаянц қишлоққа боргач, "невара" ўрнига серсоқол такани кўрди. Дашаянц аввал жанжал кўтариб, кетвормоқчи бўлди, аммо чол ялиниб-ёлворди. Така унинг боқувчиси эмиш. Бобой таканини эчкиларни қочириш учун бутун қишлоққа бериб тураркан. "Улиб қолса, нима қиламан?" — дея қуйинарди чол. "Ўзинг қочирасан", — деди Дашаянц ичида ва такани кўра бошлади. Дастлаб тўппа-тўғри таканинг кўзига тикилди. Така бошини бурмади, балки дадил Дашаянцнинг кўзига қаради. Бу Дашаянцни ажаблантирди. Одам, айниқса, Дашаянцдан ақлли одам, ҳайвоннинг кўзига тикилса, ҳайвон кўзини олиб қочиши керак эди. Лекин тақа Дашаянцнинг бундай ақллилигини билмас ва қайсарлик билан кўзини олиб қочмас, асосийси эса қаери оғриётганини айтмасди. Дашаянцнинг саволларига жавоб бермасди. Яъни докторни мулақо назар-писанд қилмас эди. Дашаянц шўрлик жониворни узоқ пайпаслади ва охири таваккалга иситма дори билан касторка ёзиб

берди. Дори қоғоздаги фамилия ўрнига Такаев деб ёзди.

Орадан уч кун ўтиб Дашаянцнинг ёнига чол келди ва битта шиша чиқарди. Таканинг роса ичи кетибди, бироқ кейин тузалибди. Чол коньякдан ташқари эчки сути ҳам келтирган эди. Лекин Дашаянц сутини олмайди, чунки унинг бемори такалигини яхши эслар эди.

# ҚЎЛТИҚ ЎЛАТИ

ҲАЖВИЯ

Ҳаёт Дашаянц билан мана шунақа ҳазиллашганди, аммо Дашаянцнинг ўзи ҳам бу ҳаётда ҳазиллашган пайтлари бўлган.

Кунларнинг бирида эрталабга яқин навбатчиликни топшираётиб зерикканидан чақириқлар дафтарига "Қўлтиқ ўлати" деб ёзиб қўйди ва тахминан манзилгоҳини кўрсатди — Қурувчилар кўчаси, учинчи уй, саккизинчи хонадон.

Эрталаб маълумотнома тузишди ва ўйлабмасдан унга "Қўлтиқ ўлати" — 1 дона, деб қўйишди. Маълумотнома ўз йўллари бўйлаб Соколина Горага бориб тушди. У ерда тўс-тўполон бўлиб кетди. Воқеа юз берган жойга кўнғироқ қила бошладилар. Касалхонада дафтар бўйича қўлтиқ ўлати тасдиқланди.

Соколина Горада доддираб қолишди. Бу ерда ўлат ҳақида охири март 32-йили эшитишганди. Нима қилишни ҳеч ким

бошқаси чинқирди: "Ўғирлашаяпти!"

Ним қоронғуда хужралардан бирида бурчакдаги каравотда ётган қандайдир эркакка дуч келишди. У барча саволларга маъраб жавоб қилди.

"Вақти-соати етибди", — деган қарорга келишди тиббиёт ходимлари ва ишга тушдилар.

— Фамилиянгни? — қичқирдишди улар хужрага киришга кўрқиб.

Жавобига маъраш эшитилди.

— Ўзингизни қандай сезаяпсиз? — қичқирдишди тиббиёт ходимлари.

Тағин маъраш.

Ниҳоят, ўн беш минутлик саволлардан кейин каравотдан анча аниқ сўқиниш эшитилди. "Алаҳсираяпти", — деган қарорга келишди тиббиёт ходимлари. Эркакни чангак билан каравотдан туширишди ва презентга ўраб машинага юкладилар. Машина

ҳовлисида қарилик гаштини сураётган профессорга одам юборишди. Чолни олиб келгунларича изолятордаги эркакнинг кайфи тарқалди ва тўполон кўтариб, агар бошқа ҳамма алкашларга қўшиб қўйишмаса бутун хушёрхонанинг онасини кўрсатворишини айтиб бақира бошлади.

Профессор чол эшик ортидан бақир-чақирни эшитгач, изоляторга кирмай ҳам диагноз қўя оламан деди, шундай қилди ҳам, бунинг қўлтиқ ўлати эмаслиги, сассиқ ҳидига қараганда, одатдаги "московская"лигини айтди.

Чол жуда уста мутахассис эди, у ҳатто газаги жилини ҳам аниқламакчи бўлди, аммо бунинг кераги йўқ эди.

Ҳар эҳтимолга қарши эркакни эрталаблари бош оғриқ қилдириб, изоляторда уч кун ушлаб туришди. Кейин қўйиб юборишди, бироқ у озода изоляторга ўрганиб

# ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

## Душанба, 22

### ЎзТВ I

17.55 Истиқлол жамолы.  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.15 "Тарадуд". Осиё спорт ўйинлари олдидан.  
18.30 "Ешлик" студияси. "Фазилат".  
19.00 "Оламини асранг!".  
19.25 Ёлонлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
19.50 Ёлонлар.  
19.55 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".  
20.10 "Умрим баҳори". Лирик мусикий дастур.  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёлонлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Истиқлол жамолы.  
21.30 Ёлонлар.  
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 1-қисм.  
22.55 — 23.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
"Тошкент" студияси таништилади:  
19.50 "Болалар".  
20.10 "Яна театр ҳақида".  
20.40 "Фалакнинг гардиши".  
20.55 "Студиямиз меҳмони".  
21.15 "Бедорлик".  
21.45 "Шунчаки саргузашт".  
22.05 — 22.35 "Ҳафтанома" / рус тилида /.

### ЎзТВ III

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

### 18.00 — 19.55

#### ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
19.55 Душанба куни детектив. "Йўқолган васиятнома ҳақида иш". Бадий фильм.  
"Эркулъ Пуаро" сериалидан.  
20.55 "Ҳеч ким унутилмади".  
21.00 "Ҳақиқат онлари".  
21.45 Криминал хабарлар экрани.  
21.55 "Репортер".  
22.10 — 22.25 "М-трест".

#### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".  
18.00 "Тигиз пайт".  
18.25 "Шадлод Роза". Телесериал.  
18.45 "Агар...". Кўрсатувни В. Познер олиб боради. 2-кўрсатув.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 Янгиликлар.  
20.30 А. И. Солженицин билан учрашув.  
20.50 "Россия қанотлари". Тушинода Авиация байрами.  
21.20 "Останкино" хит-паради.  
22.10 — 23.40 "Гавда". Бадий фильм (М. Горький номли киностудия).

## Сешанба, 23

### ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.30 Истиқлол жамолы.  
8.35 "Ғаройиб ҳодиса". Бадий фильм.  
9.40 Лотин алифбоси.  
10.20 Тазковдо бўйича жаҳон чемпионати.  
11.05 "Дил тароналари". Мусикий дастур.  
11.50 "Ҳилол" студияси. "Бор барака".  
12.05 "Ғазалхон эшлтигим".  
12.40 — 14.00 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 1-қисм.

17.55 Истиқлол жамолы.  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.15 "Олам нурга тўлаверсин". Болалар учун концерт.  
18.50 "Тўрақўрғонлик фермер". "Ўзбектеlevision" Премьера.  
19.05 Бир актер театри. Иржи Марек. "Она сўзлайди".  
19.25 Ёлонлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
19.50 Ёлонлар.  
19.55 Бевосита мулоқот. "Солиқ ва бож — ҳазинамиз таянчи".  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёлонлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Истиқлол жамолы.  
21.30 Ёлонлар.  
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Гулла, яшна, мустақил дияр!". Экранда — Навоий вилояти.  
22.35 Экран куйлари.  
23.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 2-қисм.  
00.05 — 00.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
"ОМАД" таништилади:  
19.50 "Мультифейверк".  
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.  
21.00 "Видеогид".  
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.  
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

### ЎзТВ III

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

### "ОМАД" таништилади:

9.00 "Совга".  
9.30 Ёлонлар.  
9.40 Видео-"О".  
11.20 Ёлонлар.  
11.30 "Эм-Ти-Ви" дан мусиқалар.

12.00 "Курьер".  
12.20 Ёлонлар.  
12.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.  
13.00 "Даракчи".  
13.10 Ёлонлар.  
13.15 — 15.00 Видео-"О".

### 18.00 — 19.55

#### ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

#### РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

19.55 "Ҳеч ким унутилмади".  
20.00 Киномарафон. "Золтан Карпатининг тақдири". Бадий фильм. "Саргузаштлар оламида" туркумидан.  
21.30 Криминал хабарлар экрани.  
21.40 Катталар учун мультфильм.  
21.50 "Сукунатда етти нота". Б. Оқуджава.  
22.20 Спорт кўрсатуви.

#### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.25 — 23.35 "Хавфли кўниш". Бадий фильм.

#### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".  
18.25 Спорт шарҳи.  
18.55 "Майя-94" 1-халқаро балет танлови совриндорларининг яқунловчи концерти. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 Янгиликлар.  
20.30 "Илк манбадан".  
20.40 "Майя-94" 1-халқаро балет танлови совриндорларининг яқунловчи концерти (давоми).  
21.55 — 23.40 Футбол. Федор Черенковнинг хайрлашув матчи. "Спартак" (Москва) — "Парма" (Италия).

## Чоршанба, 24

### ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.30 Истиқлол жамолы.  
8.35 Болалар учун фильм. "Индиги кун жадвали".  
10.00 "Китоб ва ҳаёт".  
10.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари /АҚШ/.  
10.45 Болалар учун. "Умид учкунлари".  
11.15 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 2-қисм.  
12.20 — 13.20 "Терим арафасида". Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.

17.55 Истиқлол жамолы.  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.15 Болалар учун. "Чаман гулдаси".  
18.55 "Интилганга толе ер".  
19.25 Ёлонлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
19.55 Ёлонлар.  
20.00 "Дарё мавжидан чирой олиб". Телесериал.  
20.25 Бухоро вилояти филармониясининг яқажони Баҳодир Ражабов куйлайди.  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёлонлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Истиқлол жамолы.  
21.30 Ёлонлар.  
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.  
22.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.  
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
"Тошкент" студияси таништилади:  
19.50 "Мультифейверк".  
20.15 "Қалбингда куеш порласин".  
20.45 "Услуб".  
21.15 "Фазога йўл".  
21.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Вилотинг ҳикояси".  
22.25 — 23.35 Тижорат канали: "Дзинтарс" Ўзбекистонда.

### ЎзТВ III

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

### 18.00 — 19.55

#### ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм.  
20.50 "60 дақиқа". "Си-Би-Эс" ҳамда Россия телевидениесининг кўрсатуви.  
21.45 "Санъат майдони".  
22.15 Спорт кўрсатуви.

#### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 "Барча постлар диққати". Бадий фильм.

#### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Шадлод Роза". Телесериал.  
18.35 "Ер шарни бўйлаб". Шимолий кутбдан кўрсатув.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 Янгиликлар.  
20.30 "Монолог".  
20.40 Украина эстрадаси юлдузлари сиз учун куйлайди.  
21.35 — 00.10 "Барча ўзимизникилар номидан". Бадий фильм (Франция — Канада).

## Пайшанба, 25

### ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".

Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамолы.  
8.35 "Беназир санъаткор". Телефильм.  
8.55 Болалар учун театр. "Олтин жуҳа".  
9.55 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".  
10.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари /АҚШ/.  
10.40 "Ешлик" студияси. "Ойдин орузлар".  
11.05 "Турон тулпорлари".  
11.35 "Ватан мадҳи". Концерт.  
12.05 "Нигоҳ".  
12.55 — 14.00 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.

17.55 Истиқлол жамолы.  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.15 Болалар учун концерт.  
18.45 Шейрий дақиқалар. Мирмуҳсин.  
18.55 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.  
19.25 Ёлонлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.

19.55 Ёлонлар.  
20.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек давлатчилиги тарихи". 3-кўрсатув.  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёлонлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Истиқлол жамолы.  
21.30 Ёлонлар.  
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Гулла, яшна, мустақил дияр!". Экранда — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти.

22.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 4-қисм.  
24.00 — 00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
"ОМАД" таништилади:  
19.50 "ОМАД" тақвими.  
20.00 "Жозоба".  
20.20 "Бир шингил хангома".  
20.30 "Зиндаги еҳуд муҳаббат".  
20.50 Видео янгиликлари.  
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.  
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

### ЎзТВ III

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

### 18.00 — 19.55

#### ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм.  
20.50 "Клип-танафус". Н. Штурм.  
20.55 Катталар учун мультфильм.  
21.15 "К-2" таништилади: "Иттифокда севилад". Лидия Смирнова.  
22.05 — 22.30 Концерт.

#### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Тигиз пайт".  
18.25 "Шадлод Роза". Телесериал.  
18.55 "Серпантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 Янгиликлар.  
20.30 "Москва — Кремль".  
20.55 С. Соловьевнинг "Бекат назоратчиси" фильми ("Мосфильм").  
22.15 — 22.55 "Биз ўз вақтида келдик". В. Павлов.

## Жума, 26

### ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамолы.  
8.35 "Қайлик ўғирлаш". Бадий фильм.  
9.40 "Соғлом авлод учун".  
10.10 "Ешлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".  
10.30 "Уммондан томчи".  
11.00 Болалар учун. "Гўзал ез хотиралари".  
11.35 Чолгу куйларидан концерт.  
12.05 "Кувчок стартлар".  
12.50 — 13.55 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 4-қисм.

17.55 Истиқлол жамолы.  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.15 "Янги ўқув йили арафасида".  
19.00 "Фан ва мустақиллик".  
19.25 Ёлонлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.

19.50 Ёлонлар.  
19.55 Хайридин Салоҳ. "Ўйларим".  
20.10 "Санъатимиз фахрийлари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Юнусов.  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёлонлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Истиқлол жамолы.  
21.30 Ёлонлар.  
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Адолат қомуси". 1-кўрсатув.  
22.05 "Фармон ва ижро". Вилотлар телекўриғи.  
23.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 5-қисм.

00.10 — 00.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

### ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
"Тошкент" студияси таништилади:  
19.50 Болалар учун. "Табасум".  
20.30 "Дарвоқе".  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 "Антенна".  
21.45 "Эсдалик учун дастхат".  
22.05 "Кичик дебют".  
22.20 "Шаҳар уйкуга кетганда".  
22.40 — 23.55 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.

"Тошкент" студияси таништилади:  
19.50 "Торлар чорлайди".  
20.20 "Бумеранг".  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 "Тошкент оқшомлари".  
22.25 — 23.40 "Қайнона". Бадий фильм.

### ЎзТВ III

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

### 18.00 — 19.55

#### ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм.  
20.45 А. Баталов К. Паустовский ҳақида. "Тақдирдан миннатдор".  
21.15 "Осойишталик № 9".  
22.00 Спорт кўрсатуви.  
22.10 Концерт.

#### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 "Бой ила хизматчи". Бадий фильм.

#### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

17.55 "Тигиз пайт".  
18.20 "Шадлод Роза". Телесериал.  
18.50 "Мўжизалар майдони".  
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 Янгиликлар.  
20.30 "Ҳафтанинг машҳур киши".  
20.50 — 22.40 "Детективлар клуби" да. Ани Жирадо "Севги савол остида" фильмида (Франция).

## Шанба, 27

### ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамолы.  
8.35 "Телевизорни ўчиришни унутманг!". Бадий фильм.  
9.50 "Футбол майдонларида".  
10.20 "Кинокўрсатувлар почтасидан".  
11.00 Истиқлол кўшиқлари.  
11.30 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим".  
12.10 "Менинг маҳаллам".  
12.55 Бахши шоирлар. Айтишув.  
13.40 — 14.45 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 5-қисм.

17.55 Истиқлол жамолы.  
18.00 Кўрсатувлар тартиби.  
18.05 "Умрирлар учун. "Чинорлар ва ниҳоллар".  
18.40 "Оламга саяхат". Кинокўрсатув.  
19.25 Ёлонлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.

19.50 Ёлонлар.  
19.55 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".  
20.25 "Ҳилол" студияси. "Бор барака".  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёлонлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Истиқлол жамолы.  
21.30 Ёлонлар.  
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Адолат қомуси". 2-кўрсатув.  
22.05 "Қалб садолари". "Туркистон" саройидан езиб олинган концерт.  
23.00 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастури.

### ЎзТВ II

"ОМАД" таништилади:  
9.00 "Мультифейверк".  
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.  
10.10 "Видеогид".  
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.  
11.10 "Кинонигоҳ".  
12.40 "ОМАД" тақвими.  
12.50 "Жозоба".  
13.10 "Бир шингил хангома".  
13.20 "Зиндаги еҳуд муҳаббат".  
13.40 Видео янгиликлари.  
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва ёлонлар.  
14.55 "Кинонигоҳ".

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти / рус тилида /.  
"Тошкент" студияси таништилади:  
19.50 Болалар учун. "Табасум".  
20.30 "Дарвоқе".  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 "Антенна".  
21.45 "Эсдалик учун дастхат".  
22.05 "Кичик дебют".  
22.20 "Шаҳар уйкуга кетганда".  
22.40 — 23.55 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.

### ЎзТВ III

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

### 11.25 — 16.00

#### "ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

11.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".  
11.50 "Интердиалог".  
12.20 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).  
12.35 "Ен қўшим, жон қўшим".  
12.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).  
13.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбекистон — қадрон уйимиз". Ўзбекистон халқлари маданияти фестивали. Халқлар дўстлиги саройидан езиб олинган.  
15.40 — 16.00 "Бу ажиб дунё".

### 16.00 — 17.20

#### ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
17.20 Телеэкран премьераси. "Қора кўзлар". Бадий фильм. 1-серия.

18.55 Телефильм.  
19.20 "Қора кўзлар". Бадий фильм. 2-серия.  
20.40 Фильмлар премьераси.  
20.55 "Мутлақо махфий".  
21.45 "Қўшиқлар зонаси".

#### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.30 — 23.55 Буюк Ғалабининг 50 йиллиги. "Солдат ҳақида қисса". Бадий фильм.

#### "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Ушангача ва ундан сўнг".  
18.45 "Коламбия пикчерс" таништилади: "Айвенго". Уч серияли бадий фильм. 2-серия.  
19.40 Хайрли

## ХАЛҚ МУЛКИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

АЙНИ КУНЛАРДА республикамизнинг барча ҳудудларида ризқ-рўзимиз бўлган мева-сабзавотлар, бошоқли дон экинларини давлат омборларига топшириш қизгин давом этмоқда. Деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирган ҳосилларини нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун барча зарурий чораларни кўрганлар.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам бу мавсумга фаол иштирок этиб, экинларни ўриб-йиғиб олишга қаратилган техника воситаларининг соғлигини назорат қилиш, дон сақланган омборларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, баъзи-бир нопок кимсалар томонидан талон-торож қилинишига йўл қўймаслик мақсадида "Ҳосил-94" тадбирини ўтказмоқдалар. Тадбир давомида халқ мулкини "туя"

қилаётган кимсалар аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда. Олот туманидаги "Денов" жамоа ҳўжалигининг 5-бригадаси бошлиғи И. Қурбонов 1350 килограмм донни ўзлаштирмоқчи бўлганда ички ишлар ходимлари унинг йўлини тўсиб қўйишди.

Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро О. Хабибов эса ўзининг шахсий "КамАЗ-5320" русумли А 84-78 КП давлат рақамли автомашинасида ҳеч қандай ҳужжатсиз 8000 килограмм гуруч олиб келаётганда Қоровулбозор туманидаги "Яккабоғ" давлат автомобиль назорати постида тўхтатилди. Айбдорларнинг барчасига қонуний чора кўрилди.

Шўхрат Қўлдошев,  
Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи  
ходими, милиция майори.

## ПИАНИНОДАН КЎК ЧОЙГАЧА

АКМАЛ ИКРОМОВ тумани Ички ишлар бўлими навабчилик қисмига Чилонзор ҳақасининг 31-мавзесидаги хонадонлардан бирида ўғирлик содир этилгани тўғрисида хабар келди. Жиноят-қидирув бўлими ходимлари ишга киришишди. Ўғирлик жуда усталик билан содир қилинган бўлиб, уй

эшиги махсус қўлбола темир очқич билан бузилган. Бундан ташқари уй эгалари хонадонда истиқомат қилишмас экан.

Жиноятчиларни ушлаш бўлими ходимлари учун осон кечмаган бўлса-да, ўғирлар—Ҳалим Ҳ. ва Носир Б. лар қўлга олинди. Улар уйдаги пианино,

магнитофон, термос, идиш-товоқлар, хуллас, нимаки қўлга илинса, ҳаммасини машинага ортишган. Ҳатто чойнак-пиёла қаторида бир ярим кило кўк чойни ҳам эсдан чиқаришмаган.

Ҳозир ўғирлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот  
гуруҳи ходими.

## БОШҚОТИРМА


1. Полиэстеров. 2. Савдо-сотиқ маскани. 3. Ўзбек мўмтоз шоири. 4. Зарар учун тўланадиган ҳақ. 5. Х. Тўхтабоевнинг "Қасоскорнинг олтин боши" асари қаҳрамони. 6. Қаттиқ металл. 7. Тарихий шаҳар. 8. Атоқли ҳинд езувчиси. 9. Езув қуроли. 10. Сиёсий арбоб. 11. Мусиқа асбоби. 12. Тожикистондаги вилоят маркази. 13. Қуролли қўллар мажмуи. 14. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 16. Рангли металл. 17. Оптик генератор. 18. Ўзбекистондаги тор. 19. Тор қўйи. 20. Қадимда қўлланилган жанг кийими.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

Газетамизнинг 59 — 60 сонидида чоп этилган муаммонимизнинг жавоблари:

1. Эдиш. 2. Орипов. 3. Ўлжа. 4. Оқибат. 5. Этик. 6. Ноўрин. 7. Иғво. 8. Тергов. 9. Кино. 10. Тинтув. 11. Мина. 12. Ханжар. 13. Эгар. 14. Байроқ. 15. Бўка. 16. Валюта. 17. Ринг. 18. Қабилла. 19. Зеби. 20. Махмур. 21. Жазо. 22. Патент. 23. Қаҳр. 24. Шерзод.

Айланаларда: Дили тўғрисида йўли — бехатар.



## ҚИДИРИЛМОҚДА



Навоий вилояти ИИБ томонидан бир қатор оғир жиноятлар содир этган хавфли жиноятчи, 1970 йилда Литва Республикасининг Купижис шаҳрида туғилган Пошко Викторас Вигаута қидирилмоқда.

Белгилари: бўйи 165-170 см., сочи калта қилиб қирқилган ва оқиш малла тусли, бурни тўғри, кўзлари ҳаворанг, қотма гавдали, юзи чўзинчоқ, ўткир иякли.

Жиноятчининг қардаллиги хусусида бирор нарса билган фуқаролардан бу ҳақда яқин ердаги милиция бўлимига "02" рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

Хива шаҳар ва туман ИИБ томонидан 1964 йилда Хива шаҳрида туғилган, руҳий касал Баҳром Машарипович ИСКАНДАРОВ қидирилмоқда. У Хива шаҳри, Миршаропов кўчаси, 27-уйда яшаган. 1989 йилнинг 4 июлида уйдан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 170-175 см., қотма гавдали, кўзлари ва сочи қора, қошлари ейсимон.

Кийими: эғнида кўк катакли кўйлак, қора рангли шим, оёғида кўнғир рангли туфли бўлган.

Б. Искандаровнинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига ёки Хива шаҳрига 5-44-84, 5-43-80 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.



## Тожибой Турғунович ИКРОМОВ

хизматида ҳуқуқшунослик соҳасидаги бор билими ва қўқувватини амалда зукколик билан ишлатди.

Т. Икромов 1994 йилнинг мартидан буён Қибрай тумани ИИБга қарашли бўлинида бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келаётган эди.

Тожибой Турғуновичнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Бешафқат ўлим азиз ҳамкасбимиз Тожибой Турғунович Икромовни 50 ёшида орамиздан олиб кетди.

У ўзининг салкам йигирма йиллик ички ишлар идораларидаги хизмати даврида терговчи, катта терговчи лавозимларида ҳамда иқтисодий жиноятларга қарши кураш

## Фаёз ОБЛОБЕРДИЕВ

Ўзининг бутун кучини халқ оёйишталигини сақлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга бахшида этган милиция лейтенанти Фаёз Давронович Облобердиев 1994 йилнинг 6 август кунини хизмат вазифасини ўтаётган пайтида фожияли ҳалок бўлди.

Ф. Облобердиев 1989 йили Тошкент Олий милиция мактабига ўқишга кириб, 1993 йили имтиёзли диплом билан тугатди. Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси Жиноят-қидирув бўлимининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинида тезкор вакил вазифасида хизматни босқаларга. У ўз хизматини босқаларга



ўрнат бўларли даражада бажарётган эди.

Ф. Облобердиевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Самарқанд шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

## ЎҒРИ ТАЛАБА

ТўРАҚЎРҒОН туман суди яқинда бир ўғрининг фаолиятига охириги нуктани қўйди. Бу ўғрининг шахсини аниқлаш, барча кирдикорларини фожия эши учун ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинида ходимлари узок вақт тинимсиз иш олиб бордилар.

Ўғри тумандаги Шаҳанд кишлоқ кенгаши ҳудудида истиқомат қилувчи, 1975 йилда туғилган, Наманган Санаят-технология олий билим юртининг 2-курс талабаси Фарҳод Эгамбердиев экан.

Фарҳод 1993 йил ези ойларида ўз ҳамкишлогининг бир бош кўйини ўғирлаб, Шаҳанд бозорида мўмайгина пулга сотиб, текин даромадли бўлган эди. Даромади ўзига буюрмади — шу кунгек олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида ушланиб, кўй эгасига қайтарилди. Суд ҳукми билан ўғри икки йил озодликдан маҳрум этилди, лекин ешлиги, талаба эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги ҳисобга олиниб синов муддати берилди.

Эгамбердиев эса имкониятдан тўғри хулоса чиқариб олмасдан, яна жиноят йўлига кирди.

1994 йилнинг 20 январиди

тумандаги Қатагонсарой кишлоғидан Зафар исмли фуқаронинг кўйини ўғирлаб, бозорда 40 минг сўм-купонга сотиб ўқишга кетди. Орадан бир ҳафта ўтказиб, тагин шу кишлоқлик Боймирзаев ўринбойнинг кўчқорини ўғирлаб 60 минг сўм-купонга пуллади.

Режалари хавф-хатарсиз, силлиқина амалга ошаётганлигидан ўғрининг нафси ҳақалак отди. Қатагонсарой кишлоғидаги меҳмонхонага кирди-да, рангли "Горизонт" телевизорини кўтариб кетди. Ўлжани пуллаб, ўзига бир сидра янги кийим сотиб олди. Орадан кўп ўтмай, тунги соат тўртларда ўзининг қариндоши бўлган Сотволди Юсуповнинг молини ўғирлади. Лекин колхоз бозорига сотгани олиб борган пайтида Сотволди Юсуповнинг ўғли Муҳиддин ўз молини таниб қолди. Ўғри қочиб кетди. Бироқ тезда қўлга тушди ва 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазони кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтайди.

А. МИРЗАЕВ,  
Тўрақўрғон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, милиция майори.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи ўринбосари Ҳ. М. Шариповга отаси Музаффар ШАРИПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдирадилар.

Мухаррир ўринбосари  
Сиддик СУЛАЙМОНОВ



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:  
700029, Тошкент,  
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлемлар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.  
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.  
Буюртма Г — П09.  
Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Босилиш — офсет усулида.  
Босишга топшириш вақти — 19.00.  
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.  
40.094 нусхада босилди.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
муҳаррир — 39-70-40,  
муҳаррир ўринбосари  
— 39-77-23, масъул  
котиб — 59-29-66,  
муҳбирлар бўлими —  
59-20-92, умумий  
бўлим — 59-21-21.